

Ўзбекистон Республикаси номидан
Х У К М

2023 йил февраль ойининг 23 куни жиноят ишлари бўйича Қўштепа туман судининг очик суд мажлиси ўз биносида бўлиб,

Раислик қилувчи - туман судининг раиси А.Эргашев,

Халқ маслаҳатчилари: М.Ахмадбеков ва Р.Мирзаевлардан иборат таркибда, судья ёрдамчиси Ш.Йўлдошалиевнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Қўштепа туман прокурори ёрдамчиси А.Юсупов ва Қўштепа туман прокурори катта ёрдамчиси Э.Ширматов, судланувчи Р.Имомов ва унинг ҳимоячиси-адвокат Ш.Зокиров ҳамда жабрланувчининг қонуний вакили Н.Қосимовнинг иштирокида, Имомов Расулжон Арипович (Imomov Rasuljon Aripovich)га оид 1-1512-2301/21-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Иш ҳужжатларига кўра:

Судланувчи Имомов Расулжон Арипович (Imomov Rasuljon Aripovich) - 1958 йил 20 январь куни Фарғона вилояти, Олтиариқ туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, 3 нафар фарзандлари бор, муқаддам судланмаган, нафақада, Фарғона вилояти, Қўштепа тумани, Хумдон м.ф.й., Бахт кўчаси, 8/1-уйда яшаган, иш бўйича эҳтиёт чораси сифатида 2022 йил 3 октябрдан қамокда, айблов ҳулосаси нусхасини 2022 йил 21 декабрь куни олган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 97-моддаси 2-қисми “в,ж” бандлари ва 134-моддаси 1-қисми билан айбланган.

Суд хайъати, судланувчи, жабрланувчининг қонуний вакили ва гувоҳларнинг кўрсатувларини, тарафларнинг музокарасини тинглаб, жиноят ишида тўпланган бошқа далилларни таҳлил қилиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

Судланувчи Р.Имомов ўзи билан бир манзилда яшаган фарзанди Имомов Хусниддин Расулжоновиқнинг турмуш ўртоғи, яъни келини Косимова Гулмирахон Неъматжон қизи билан оилавий келишмовчиликлар сабабли низолашиб, 2022 йил 1 октябрь куни соат 09⁰⁰ ларда Р.Имомов фарзанди Х.Имомов билан бирга ўзига тегишли бўлган “Matiz” русумли давлат рақами 40Q337РА бўлган автомашинасида тўнғич ўғли Имомов Рузибой Расуловичнинг автомашинасини таъмирлатиш мақсадида кўчага чиқиб, яшаш хонадонига шу куни соат 15⁰⁰ ларда қайтиб келиб, яшаш хонадонига келган вақтда келини Г.Косимова хонадон ошхонасида овқат тайёрлаётганини билиб, унга овқатни мазалироқ қилиб пиширишини тайинлаган вақтда, келини Г.Косимова унга овқатни қўлидан келганча тайёрлашлигини ҳамда қандай бўлса ҳам барибир овқатни истеъмол қилишлигини жаҳл қилган ҳолда маълум қилиб, ошхона эшигини зарб билан ёпиб қўйган ва натижада ошхона эшигига ўрнатилган ойна дарз кетиб синган.

Шундан сўнг, Р.Имомов ўзига нисбатан келини Г.Косимова томонидан зарда қилиб гап қайтарилганлигидан ғазабланиб, ундан ўч олиш ва уни қасддан ўлдиришни мақсад қилиб, ўзининг ушбу жиноий мақсадини амалга оширишга



киришиб, яшаш хонадонида улардан бошқа ҳеч ким йўқлигидан фойдаланиб, келини Г.Косимова овқат тайёрлаётган ошхона ичига кириб, уни бўйин соҳасига қўли билан бир неча мартаба уриши оқибатида Г.Косимова ерга йиқилган ва ҳушини йўқотган.

Г.Косимовани ҳушсиз ва унга қаршилиқ кўрсата олмаслигини англаган Р.Имомов уни яшаш хонадонидаги “Matiz” русумли давлат рақами 40Q337PA бўлган автомашинасини орқа ўриндиғига юклаб, Фарғона тумани Оқбиллол қишлоғидаги адирлик майдонида олиб бориб, автомашинасида сақлаб келган хўжалик пичоғи билан ожиз аҳволдаги, ҳушсиз ётган Г.Косимовани танасини ташқарига чиқариб, уни бўйин қисмидан кесиб, бошини танасидан тўлиқ ажратиб, қасддан ўлдирган ва унинг ажратилган бошини целофан пакетга алоҳида солиб, кейинчалик унинг мурдасини таҳқирлаган ҳолда танасини қўл ва кўкрак соҳаларини бўлақларга ажратиб, уларни мазкур адирлик яқинида жойлашган чиқинди ташлаш жойига улоқтириб, сўнг бош қисмини Олтиариқ тумани Файзиобод маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги "Тожали обод" боғдорчилик фермер хўжалигига қарашли ер майдонининг четидаги арча дарахти орасига яшириб кетган.

Суд тиббий экспертизасининг 2022 йил 3 ноябрдаги 487-сонли хулосасида, Г.Косимовани боши - бўйин юқори қисмидан, тананинг кўкрак пастки қисмидан барча анатомик тузилмаларидан тўлиқ ажратилган бўлиб, жароҳатлар ўткир кесувчи ва чопувчи жисмлар таъсирида етказилганлиги, унинг бош қисмида – пешона ўнг дўнг соҳасидаги юмшоқ тўқималар остига қон қуйилиши, чап кўз қовоқларида қонталаш, конъюнктиваси остига қон қуйилиши аниқланиб, бу тан жароҳатлари қаттиқ ўтмас жисмларни зарб таъсири натижасида юзага келгани, ушбу тан жароҳатлари уни ўлими юз беришидан олдин етказилгани, унинг ўлими – кўп миқдорда қон йўқотиши оқибатида, яъни ўлим юз беришидан олдин, йирик ҳамда уларга ёндош бўлган қон томирларни жароҳатланиши натижасида юзага келган бўлиши мумкинлиги ва ҳаёт учун хавфли бўлган оғир шикастлар тоифасига киришлиги кўрсатилган.

Судланувчи Р.Имомов судда, айбига тўлиқ иқроп бўлиб, Имомов Хусниддин учинчи фарзанди эканини, ўғли Х.Имомов 2011 йили Гулмира исмли қизга уйлаганини, уларни 2 нафар фарзанди борлигини, Хусниддин ҳам акаси билан бирга асфальт ётқизиш билан шуғулланишини, ўғли Хусниддин у билан бирга яшашини, келини Олтиариқ тумани Файзиобод қишлоғидаги "Болалар соғломлаштириш санатория"сида кутубхоначи вазифасида ишлаганини, келини 1 йил яхши хизматларини қилганини, лекин 2 йилдан бошлаб келини ўзгара бошлаганини, у ва турмуш ўртоғи билан саломлашмасдан, айтганини қилмасдан, уларга гап қайтара бошлаганини, ўғли билан ора орада жанжаллашиб турганини, улар 1 нафар фарзандли бўлишганида келини уйига ўғли билан жанжаллашиб кетиб қолганини, ўғли турмуш ўртоғини уйига бориб, у ерда хотини билан 1,5 ой бирга яшаганини, лекин уйга келмасдан Россия Федерациясига ишлагани кетганини, ўғли Россия Федерациясида 1,5 ой юриб, депорт сабабли қайтиб келганини, олдиларига келмасдан, турмуш ўртоғининг уйига тушиб, 1 ой бирга яшаб, сўнг хотинини уйга олиб келганини, келини 2022 йил 3 октябрь кунига қадарли хоҳлаганида кетиб, 4-5 кун ота-онасининг уйида яшаб, ҳушига келганида қайтиб келганини, ўғли ювош бўлгани сабабли келинига қаттиқ гапирмаслигини, келинининг бу



қилмишлари унга ёқмагани сабабли тарбияламоқчи бўлганини, у унга гап қайтарганини, ўғли бу ҳолатни кўриб ҳам эътироз билдирмаганини, келинини тарбияламоқчи бўлиб, қаттиқроқ гапирган вақтда келини у билан бақирган овозда уришганини, агарда у кимбиландур уришиб қолса шу заҳоти профилактика нозирига ариза билан мурожаат этганини, шунинг учун у охириги вақтларда келини билан иши бўлмаганини, уйдаги овқатни у тайёрлашини, турмуш ўртоғи эса ҳовлини тозалаш билан шуғулланишини, келини уйда иш қилмаслигини, 2022 йил 1 октябрь куни соат 17⁰⁰ ларда турмуш ўртоғи уйининг рўпарасида жойлашган боғда ўт ўриш билан машғул бўлганини, Хусниддин ҳам онаси билан бирга бўлганини, неваралари эса кўчада ўйнаб юрганини, келини овқат тайёрлаш билан шуғулланаётганида, у макарон қилаётганини кўриб, келинига яхшироқ пиширишликни, сабаби ошқозонда ҳазм бўлиши қийинини айтганини, келини унга гап қайтариб, нима қилса ҳам истеъмол қилишилари айтганини, шундан сўнг келини ошхона эшигини қаттиқ ёпиши натижасида эшикнинг ойнаси синганини, бундан жаҳли чиқиб, келинни олдига бориб, ўнг қўлини муштининг орқаси билан келинни чап бўйин соҳасига урганини, келин орқаси билан бетонга боши билан тушиб, хушидан кетганини, келин хириллай бошлаганини, келин ўлмоқда деб ўйлаб, ўзига тегишли бўлган "Matiz" русумли автомашинага келинни юклаб, яшириш нияти пайдо бўлиб, кўча дарвозасини беркитиб, келинни иккала қўлтиғидан кўтариб, автомашина олдига қадарли судраб борганини, автомашинани орқа эшигини очиб, унга келинни ётқизиб, бош қисми ҳайдовчи ўриндиғининг орқасида, оёғи эса ҳайдовчи ёнидаги йўловчининг орқасига тўғри келганини, автомашинанинг орқа ойналари қорайтирилган ҳолатда бўлганини, автомашинани бошқариб катта йўлга чиқиб, Саткак айланасига бориб, у ердан ўнгга бурилиб, "Метан" газ қўйиш шахобчасидан ўтиб, ўнгга "Чимён" қишлоғига олиб борувчи йўлга бурилиб, тахминан 8-10 км. юрганини, борган жойи Фарғона туманига қаршли Оқбиллол маҳалласига кириш жойи бўлганини, шу ердан орқага қайтиб, адирлик томон бурилиб, йўлга тўхтаб бироз дам олганини, бу вақтда соат 18¹⁵ бўлганини, "Прогресс" томон кўтарилганини, энг юқорига кўтарилиб, ўнг томонда жойлашган боғ орасига кирганини, ушбу манзилда ҳеч ким бўлмаганини, автомашинани тўхтатганини, доимо автомашинада пичоқ олиб юрганини, ушбу пичоқни олиб, орқа эшикни очиб, келинни ўзига бош томондан тортиб, бошини автомашинадан пастга тушириб, келинни юзи пастга қараган ҳолатда сочидан ушлаб, ўнг қўли билан келинни бўйин қисмидан, чапдан ўнг томонга пичоқни тортганини, пичоқ ўткир бўлгани сабабли бўйин тез кесилганини, бошни танадан суякларни синдириш йўли билан ажратганини, гўшт соҳасини эса пичоқ билан кесганини, ерга қон оққанини, автомашинага ҳам бироз текканини, каллани танадан ажратганидан сўнг қора рангли целофан пакетга солиб, ариқда оқ суруп ётганини кўриб, уни олиб, бўйин соҳасини сурпга ўраб, каллани ён ўриндиқ пастига жойлаб, шу ерга ташлаб юборганини, танани бироз ичкари томонга итариб, эшикни ёпиб, автомашинани юргизиб, орқасига қайтиб, катта йўлга чиқиб, ўнг томонга бурилганини тахминан 50 метр юриб, чап йўлга тўхтаб, у томондаги жарликқа автомашинани тўғрилаб, келиннинг танасини автомашинадан тушириб, йўлдаги бетон тўсик устига олиб бориб, жарликқа ташлаб юборганини, каллани эса ташламасдан ўзи билан бирга Фарғона-Қўқон йўлига қадар олиб келганини, Фарғона томонга



бурилиб, тахминан 1 км. юриб, автомашинани бир четга тўхтатиб, каллани олиб, йўл бўйига экилган арчанинг орасига жойлаштириб қўйганини, шундан сўнг уйига келганини, келганида ўғли, турмуш ўртоғи ва неваралари чой ичишиб ўтиришганини, турмуш ўртоғи унга келини йўқлигини, нима деб айтганини сўраганини, унга у овқатни яхшилаб тайёрлаши ҳақида айтганини маълум қилганини, турмуш ўртоғи бекор айтгани ҳақида танбех берганини, шундан сўнг овқатланиб бўлгач ҳаммомга кириб кетганини, ювиниб чиқиб, ухлашлик учун ётганини, эртаси куни уйдагилар келин келиб қолар деб айтишганини, лекин у нима бўлганини билгани сабабли соат 08⁰⁰ ларда маҳаллага чиқиб, маҳалла раисига келини кетиб қолганини маълум қилганини, шу куни у кун бўйи уйда бўлганини, шунингдек профилактика нозирига ҳам келин кетиб қолгани ҳақида айтилганини, якшанба куни кечга яқин профилактика нозир уйига келиб, нима бўлгани ҳақида сўраганини, унга келин кетиб қолганини айтганини, 2022 йил 3 октябрь куни соат 08⁰⁰ ларда Олтиариқ туманидан аёл кишини калласи топилганлиги ҳақида хабарга асосан уни ИИБга олиб боришиб, келини ҳақида сўрашганини, барчасини айтиб, танани ташлаган жойини кўрсатганини, келини Г.Қосимовани қасддан ўлдиришига асосий сабаб у билан оилавий келишмовчилик сабаб бўлганини, келини уни, турмуш ўртоғини, шунингдек ўғлини ҳурмат қилмасдан, келинлик вазифасини бажармаганини, шу сабабли уни қасддан ўлдирганини, Г.Қосимованинг фақатгина бош соҳасини алоҳида бўлакка ажратганини, лекин унинг танасини бошқа аъзоларига тегмаганини, Г.Қосимовани нима сабабдан бош қисмини Олтиариқ тумани Файзиобод қишлоғидаги арча дарахтига илиб кетганини билмаслигини, чунки ўша вақтда нима ҳаракат қилаётганини тушунмаганини, ушбу жиноятни бир ўзи содир этганини, нияти жиноятни яшириш бўлганини, Г.Қосимовани 2022 йил 1 октябрь куни қасддан ўлдирганлиги ҳақида бирон-бир шахсга маълум қилмаганини, ҳеч кимга хабар бермаганини, дастлабки тергов давомида Г.Қосимованинг мурдасини иккала қўл ва кўкрак қафаси соҳасини аниқлашнинг имкони бўлмаганлигидан хабари борлигини, ҳақиқатдан ҳам уни уриб, адирлик майдонига олиб чиққан вақтда у ҳушини йўқотганини, хириллаб турган ҳолатда бўлганини, шунда у ёнидаги пичоқ билан уни бўйин соҳасидан сўйиб, уни ўлдирганини, танасини шу ерга яқин масофада жойлашган, атрофлари бетон тўсиқлар билан ажратилган жойга олиб бориб, уни танасини ўша бетон тўсиқлардан олиб ўтиб, ахлатхона жойлашган жарликка ташлаб юборганини, лекин уни тана аъзоларини ажратмаганини, бу ишни қилишига сабаби эса, мурдадан қутулиш бўлганини, уни оила-аъзолари билан Олтиариқ тумани Файзиобод қишлоғидаги хонадонидан Қўштепа тумани Хумдон м.ф.й.даги ҳозирги яшаш хонадонига кўчиб келишига шу ерда яшовчи ва янги турмушга чиққан Ибодат исмли аёл билан яхши кўришиб қолганлиги, у билан гаплашиб юрганлиги ҳамда шу ҳолат одамлар орасида гап-сўз бўлганлиги асос бўлганини, бу вақтда у ҳам оилали бўлганини, гап-сўзлардан қочиш мақсадида ўз яшаш манзилидан кетганини, лекин Ибодат исмли аёл ва унинг оиласига Г.Қосимованинг ҳеч қандай қариндошлик алоқалари бўлмаганини, келини Г.Қосимова билан тортишиб қолганида у унга мазкур ҳолатни эслатиб, шарманда қилишга ҳаракат қилганини, ушбу ҳолат бўйича Г.Қосимованинг отасига гапириб, уни тийиб қўйишлигини, бу каби гапларни гапирмаслигини айтганини, Г.Қосимовани



қасддан ўлдириш 2022 йил 1 октябрь куни у унга гап қайтариб, зарда қилган вақтда пайдо бўлганини, уни тана аъзоларини бўлақларга ажратиб, калласини у вояга етган қишлоқ ҳудудига илиб кетиш эса уни Фарғона тумани Оқбилло қишлоғи ҳудудига калласини танасидан ажратиб ўлдирган вақтда пайдо бўлганини, келини Г.Косимовани қасддан ўлдирганлиги юзасидан айбига иқрорлигини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, ёшини, нафақада эканини, оилавий шаротини инобатга олиб енгиллик беришни сўраб кўрсатма берди.

Судланувчининг суд ҳукмида кўрсатилган жиноятни содир қилганлиги, ўзининг айбига тўлиқ иқрорлик ва чин кўнгилдан пушаймонлик билдириб берган кўрсатувидан ташқари, дастлабки терговда тўпланган ва суд муҳокамасида текширилган қуйидаги далиллар билан ўз исботини топади.

Жумладан, жабрланувчининг қонуний вакили Н.Қосимов судда, ҳақиқатдан ҳам, қизи Қосимова Гулмирахонни Имомов Хусниддин Расуловичга турмушга узатганини, улар турмушларидан, бир нафар қиз ва бир нафар ўғил фарзандли бўлишганини, қизи Г.Қосимова Х.Имомовга турмушга чиққанидан сўнг, Х.Имомов қизини кўп маротаба урадиган, уни ишларидан камчилик ахтарадиган бўлиб қолганини, шу ишларни деб қизи кўп маротаба уйларига фарзандларини олиб келиб қолганини, лекин у ва турмуш ўртоғи Мақсудахон унга фарзандлари борлигини, ҳали ҳаммаси ўз изига тушиб кетишлигини маълум қилиб, турмуш ўртоғи билан яшаб кетишлигини тайинлаб келганини, шу сабабли, қизи Г.Қосимова турмуш ўртоғини уйига бориб яшашга мажбур бўлганини, қизи Гулмирахонга унинг қайнотаси Имомов Расулжон ҳам руҳий тазйиқ ўтказиб, уй юмушларини яхши бажара олмаётганини, овқатни ширин пиширмаётганини гапириб, уни асабига тегиб турли хил гапларни гапириб келганини, қизи Г.Қосимова табиатан тўғри сўз, ҳақиқатни гапирадиган, меҳнатқаш, болаларига меҳрибон ва уларни яхши парвариш қиладиган, ўзи ишлаб, болалари ва ўзини таъминлай оладиган аёл бўлганини, унинг қайнотаси Р.Имомов қизи ва куёвини чиқиштирмаганлиги, улар билан арзимас сабабларга кўра уришганлиги сабабли, тахминан бир йил давомида, яъни 2016 йилдан 2017 йилга қадар уларнинг хонадонига келиб яшаб юришганини, қизи Гулмирахон катта қизи Гулсанамхон билан телефон орқали гаплашиб турганини, унга турмуш ўртоғи Хусниддин уни арзимас сабабларга кўра кўп маротаба ураётганини, қайнотаси Р.Имомов эса уни ишларидан камчилик топиб, у билан арзимас сабабларга кўра уришиб жанжаллашаётганини гапириб берганини эшитганини, катта қизи Гулсанамхон сўнгги маротаба синглиси Гулмирахон билан телефон орқали гаплашганида турмуш ўртоғи Хусниддин уни қорин ва бел соҳаларига урганини, қайнотаси яна у билан гап таллашиб қолганини, шу сабабли, улар билан гаплашмасдан юрганини, қайнотаси ва қайнонаси билан аразлашиб қолганини гапириб берганини, кейин Гулсанамхон кичик қизи Гулмирахонга ҳаммаси яхши бўлишини ва бу кунлар ўтиб кетишини айтиб, кўнглини кўтаришга ҳаракат қилганини, бу ҳақда Гулсанамхон улар билан кейинчалик суҳбатлашган вақтда гапириб берганини, 2022 йил 1 октябрь куни соат 18⁰⁰-19⁰⁰ ларда қизи Гулмирахоннинг турмуш ўртоғи Хусниддин унга ўзининг телефон рақамидан кўнғироқ қилганини, лекин у билан гаплашмасдан телефонни турмуш ўртоғи Мақсудахонга берганини, шунда Мақсудахон куёви Хусниддин билан



гаплашган вақтда у қизи Гулмирахонни бугун яшаш хонадонларидан аразлаб кўчага чиқиб кетиб, қайтиб келмаётганини билдириб, уни уйларига келганлиги ҳақида сўраганини, шунда турмуш ўртоғи Мақсудахон қизлари Гулмирахонни яшаш хонадонига келмаганини, уни бугун кўрмаганини тушунтириб, куёви билан хайрлашганини, авваллари қизи Гулмирахонни турмуш ўртоғи Хусниддин урган ёки уйларида жанжал бўлган вақтда қизи Гулмирахон уларнинг уйларига келиб қолишини, бироқ уни турмуш ўртоғи Хусниддин ёки бошқалар ҳеч қачон уни суриштириб телефон қилишмаганини, уйига келишмаганини, шу куни қизи Гулмирахондан хавотир олиб ўтирганини, лекин уни қидириш учун кўчага чиқмаганини, 2022 йил 2 октябрь куни эрта саҳарда турмуш ўртоғи Мақсудахон қизи Гулмирахон турмушга чиққан Қўштепа туманидаги яшаш хонадонига кетиб, уни уйидагилари билан гаплашиб келганини, у эса илгари “Файзиобод” пахта тайёрлаш масканида ишлаганлиги сабабли, у ердагилар уни чақириб қолишганлиги учун у ушбу масканга кетганини, билишича шу куни турмуш ўртоғи Мақсудахон қизи Гулмирахон турмушга чиққан хонадонга катта қизи Гулсанамхон билан бирга бир неча маротаба бориб келишганини, қизини суриштиришганини, лекин қизи Гулмирахоннинг дарағи бўлмаганидан, шу куни кечки вақтда у қизи Гулсанамхон, турмуш ўртоғи Мақсудахон ва катта куёви Аброрбеклар билан биргаликда қизи Гулмирахон турмушга чиққан хонадонга бориб, унинг қайнотаси Расулжон ака, уни турмуш ўртоғи Хурсаной ва ўғли Хусниддинлар билан суҳбатлашиб, қизини дарагини сўрашганини, лекин улар ўзларини ғалати тутишиб, хавотирли кўринишда, қизини билмасликларини такрор-такрор маълум қилишганини, шундан сўнг, катта куёви Аброрбек қизи Гулмирахонни қидириб топиш мақсадида ИИБнинг “102” хизматига қўнғироқ қилиб, ҳолат юзасидан мурожаат қолдирганини, шу куни улар Қўштепа тумани прокуратурасига бориб, ёзма равишда мурожаат қилишганини, 2022 йил 3 октябрь куни уларни яшаш хонадонига ИИБ ва прокуратура ходимлари келишиб, қизи Гулмирахонни қидириб топиш бўйича суриштирув ҳаракатларини ўтказишганини, Гулмирахонни излаш ишларини Қўштепа, Олтиариқ ва Фарғона туманларида ҳам амалга оширишганини, кейинчалик шу куни кечки вақтда яқин қариндошлари, кўшнилари хонадонига ташриф буюришиб, қизи Гулмирахоннинг жасади Олтиариқ ва Фарғона туманлари ҳудудларидан топилганини, у вафот этганини маълум қилишганини, эшитиб билишича, қизи Гулмирахонни уни қайнотаси Р.Имомов қасддан ўлдириб, уни танасини бўлакларга ажратиб ташлаганини, бироқ у ушбу жиноятга нафақат Р.Имомов, балки, унинг фарзанди Х.Имомов ва унинг онаси Х.Имомоваларнинг алоқаси ва қўли бор деб ҳисоблашини, у қудаси Р.Имомовни фарзанди Г.Косимовани нима сабабдан қасддан ўлдирганлигини билмаслигини, қизи Г.Косимовани қасддан ўлдирган Р.Имомовга нисбатан қонунда белгиланган энг оғир жазо тайинлашни сўраб кўрсатма берди.

Гувоҳ Х.Имомова судда, судланувчи Р.Имомов турмуш ўртоғи эканини, унга нисбатан ўз хоҳиши билан кўрсатма беришини, кенжа фарзанди Х.Имомовни Косимова Гулмирахон Неъматжон қизига уйлантирганини, улар турмушларидан 2012 йилда Расулжонова Гуллолахон Хуснидин қизи ва 2018 йилда Расулжонов Камронбек Хуснидин ўғлиларни дунёга келтириб, тарбиялаб келишаётганини, ўғли Х.Имомов асфалтлаш ишлари билан



шуғулланиб келишини, келини Г.Косимова эса Олтиариқ туманидаги Сил касалликлари диспансерида кутубхоначи вазифасида ишлаганини, келини Г.Косимова дастлаб улар билан чиқишиб яхши яшаб келганини, лекин биринчи фарзандини дунёга келтирганидан сўнг, ўзгариб қолиб, бир неча маротаба ўғли Х.Имомовга у ва турмуш ўртоғи билан бирга яшамаслигини айтиб, улар билан аразлашиб қоладиган ҳамда ота уйига кетиб юборадиган бўлиб қолганини, келини Г.Косимова уни ёқтирмасдан кўп маротаба оғзаки равишда жанжаллашиб қоладиган бўлиб қолганини, охириги маротаба бундан тахминан 3-4 ой аввал аразлаб, ота уйига кетиб юборганини, уни ўғли Х.Имомов уйга қайтариб олиб келганини, 2022 йил 1 октябрь куни соат 04⁰⁰ да уйғониб, бомдод намозини ўқиб бўлгандан сўнг, хамир тайёрлаб, ортган хамирдан чалпак тайёрлаб, хамирнинг ортган қисмидан нон ёпганини, турмуш ўртоғи Р.Имомов билан соат 06³⁰ ларда бирга чой ичганини, шу орада ўғли Х.Имомов уйнинг ҳовли қисмидан ўт ўриб, сигирларни соғиб келиб улар билан бирга чой ичганини, шундан сўнг соат 09⁰⁰ ларда турмуш ўртоғи Р.Имомов ва ўғли Х.Имомовлар ўзларига тегишли “Matiz” русумли автомашинани бошқариб, бошқа эвакуатор автомашинасини устага кўрсатиб келишликларини билдириб, кўчага чиқиб кетишганини, келини Г.Косимова улар билан одатда чой ичмаслигини, ўзининг ётоғида чой ичишини, 2022 йил 1 октябрь соат 08⁰⁰ ларда келини ташқарига чиқиб, фарзандларига тегишли кийимларни ювиб, кейин яна ўз хонасига кириб кетганини, шу орада яна ташқарига кириб-чиқиб юрганини, лекин у билан гаплашиб ўтирмаганини, шу куни соат 14³⁰ ларда набираси Гуллолахон билан бирга тушлик қилганида унга онасини ҳам чақириб чиқишини айтганини, у онасини ёнига кириб чиқиб, уни ухлаётганини билдирганини, соат 15⁰⁰ ларда набираси Гуллолахонга тушлик учун пиширган макка маҳсулотидан онасига олиб кириб беришини, ўзи уйнинг рўпарасидаги бокқа кириб, қорамоллар учун ўт ўриб чиқишини билдириб, кўчага чиқиб кетганини, шу куни соат 18³⁰-19⁰⁰ ларда яшаш хонадонига қайтиб келган вақтда уйда ҳеч ким йўқлигини, набиралари яшаш хонадони ёнида жойлашган кўп қаватли уйнинг болалар ўйингоҳида ўйнаб юришганини кўрганини, шунда набиралари уни кўриб, яшаш хонадонига ортидан киришганини, унга оналари Гулмирахонни қаерда эканини сўраганини, улар кўчага чиқиб кетишаётган вақтларида уйда қолганини билдиришиб, уни ҳозирда қаерда эканини билишмаслигини баён қилишганини, қолиб кетган аср намозини ўқиш учун таҳорат олиб, аср намозини ўқиб, набиралари учун ширингуруч овқатини тайёрлашга киришганини, шу орада турмуш ўртоғи Р.Имомов ўзига тегишли бўлган “Matiz” русумли автомашинани кўчадан бошқариб уйга кириб келганини, у учун дорилар олиб келганини билдириб, уларни унга берганини, овқат тайёрлаб бўлганидан сўнг, уни турмуш ўртоғи ва набираларига қўйиб бериб, турмуш ўртоғи Р.Имомовдан келини Гулмирахонни қаерда эканини сўраганини, шунда у бироз аввал унга дори олиш учун яшаш хонадонига пул олиш учун келиб, келинига ширинроқ овқат қилишлигини айтганида, у бу гапларидан аразлаб, кўчага чиқиб кетганини гапириб берганини, у шом намозини ўқиб чиқиб, набираси билан бирга кечки овқатни тановул қилиб, ундан онаси Гулмирани қаерга кетиб қолган бўлиши мумкинлигини сўраб, унинг кўрсатмасига асосан келинини дугоналари яшаб келадиган катта асфальт бўйидаги кўп қаватли уйларга бориб, суриштириб келганини, бироқ уни дараги



бўлмаганлиги учун яшаш хонадонига қайтиб келганини, кейин келини Гулмирани ўғли Хусниддин кўчалардан, қариндошлариникига бориб, уни қидириб келганини, лекин уни тополмаганини, сўнг келини Гулмирахонни 2022 йил 2 октябрь куни ҳам ўғли Хусниддин турли хил жойлардан қидириб келганини, у ҳам уни соғ-омон қайтиб келишига умид қилиб турганини, бироқ 2022 йил 3 октябрь куни у келини Гулмирахонни турмуш ўртоғи Р.Имомов ўлдириб қўйганини эшитиб билганини, турмуш ўртоғи нима сабабдан келинини ўлдирганлиги сабабини билмаслигини, турмуш ўртоғи Р.Имомов унга келини Гулмирахонни ўлдириб қўйганлиги ҳақида гапирмаганини, турмуш ўртоғи Р.Имомов билан келини Г.Косимовани ўзаро муносабатлари яхши бўлмаганини, келини Гулмирахон уни ҳамда турмуш ўртоғини ёқтирмаклигини, улардан алоҳида яшашни исташлигини бир-неча маротаба гапирганини, турмуш ўртоғи Р.Имомов ва келини Г.Косимовани илгари уришиб-жанжаллашишганлигини гувоҳи бўлганини, келини Г.Косимова ва ўғли Х.Имомовнинг ўзаро муносабатлари яхши бўлмаганини, келини Гулмирахон ўғли Хусниддинни менсимасдан муомала қилганини, шунинг орқасидан уларни бир неча маротаба оғзаки равишда жанжаллашиб қолишганини гувоҳи бўлганини, шунда келини аразлаб ота уйига кетиб қолишини, уни ўғли ота уйига бориб олиб келишини, улар охирги маротаба бундан бир ҳафта аввал овқат иситиб бериш масаласида оғзаки равишда жанжаллашиб қолишганини, шундан кейин келини ҳаттоки сигирларни ҳам соғмай қўйганини, бу ишларни ўғли Хусниддин ўзи бажариб келганини, турмуш ўртоғи Р.Имомовни келини Г.Косимовани қасддан ўлдиришига у ёки фарзанди Х.Имомов ҳамда бошқа шахслар ёрдам бермаганини, ушбу ҳолатни кўриб гувоҳ бўлмаганини, ушбу воқеа ҳақида 2022 йил 3 октябрь куни эшитиб билганини, турмуш ўртоғи Р.Имомов яхши инсонлигини, у уларга жуда яхши муносабатда бўлиб келганини, шунингдек турмуш ўртоғи Р.Имомов келини Гулмирахон билан деярли гаплашмаганини, уни оиласи билан тинч бўлса бўлди деб юришини, турмуш ўртоғи Р.Имомов унга ва оила-аъзоларига меҳр кўрсатишга ҳаракат қилиб келиши ҳақида кўрсатма берди.

Гувоҳ Имомов Рўзибой судда, судланувчи Р.Имомов отаси эканини, унга нисбатан ўз хоҳиши билан кўрсатма беришини, укаси Имомов Хусниддин Қосимова Гулмира Неъматжон қизи билан қонуний никоҳ асосида турмуш қуришганини, ҳозирда икки нафар фарзандлари борлигини, укаси Ҳ.Имомов оиласи билан ота-онасининг уйида улар билан бирга яшаб келишини, у бундан 8 йил олдин ота-онасини уйдан алоҳида уй қуриб, Олтиариқ тумани, Файзиобод м.ф.й., Висол кўчаси, 14-уйга кўчиб кетганини, укаси Ҳ.Имомов билан ёлланма асосида йўл ва йўлакларни асфальтлаш ишлари билан шуғулланиб келишини, ота-онаси нафақадалигини, укасини турмуш ўртоғи Г.Қосимова Олтиариқ тумани Файзиобод қишлоғидаги ногирон болалар санаториясида ишлаганини, отаси Р.Имомов ошпаз бўлганлиги сабабли, уйда овқатни асосан ўзлари тайёрлаб келишини, укаси Ҳ.Имомовнинг турмуш ўртоғи Г.Қосимова билан муносабати яхши бўлганини, Г.Қосимова ота-онаси билан яхши чиқишмаганини, ҳар замонда оғзаки уришиб туришганини, бироқ у 8 йилдан буён улар билан яшамаганлиги сабабли, уларни нима сабабдан чиқиша олмаганини билмаслигини, 2022 йил 1 октябрь куни соат 06⁰⁰ ларда уйдаги молларга қараб, соат 08⁰⁰ ларда уйдан чиқиб, Окбўйра қишлоғидаги



Сойиб акани уйига бориб, Сойиб акани уйидаги ўзига тегишли "Газель" русумли транспорт воситасини қайта жиҳозлаб, эвакуаторга мосланган 995 давлат рақамли автомашинасини Сойиб ака билан буёқлашганини, тушликка яқин отаси Р.Имомов ўзининг "Matiz" русмули автомашинасида укаси Ҳ.Имомов билан бирга уни олдига келишиб, ёғ фильтри олиб келиб беришганини, эвакуаторни буёқлаб бўлганидан кейин, соат 14³⁰-15⁰⁰ ларда укаси Ҳ.Имомов эвакуаторни бошқариб, у эса "Москвич" русумли ва отаси Р.Имомов "Matiz" русумли автомашинани бошқариб уни уйига келишганини, укаси Ҳ.Имомов эвакуаторни уни уйига олиб кириб қўйганини, отаси икковлари 16⁰⁰ лар чамасида отасини "Matiz" русумли автомашинасида бирга кетишганини, қаерга кетишаётганини айтишмаганини, уларга тушлик қилишларини сўраганини, улар йўқ деб кетишганини, уйида қолиб, эвакуаторни тўғриладиган жойларини тўғрилаб, чанг бўлиб кетганлиги сабабли ювганини, турмуш ўртоғи Имомова Хилола Фарғона юқумли касалликлар шифохонасида ошпаз бўлиб ишлашини, шу куни соат 18⁰⁰ ларда турмуш ўртоғи кечки овқат тайёрлаганини, овқатланиб, ётиб дам олганини, шу куни уйга келганидан кейин қайтиб кўчага чиқмаганини, 2022 йил 2 октябрь куни соат 05³⁰ ларда турмуш ўртоғи Х.Имомова билан биргаликда томорқадаги 4 қоп саримсоқ пиёзни сотиш учун "Москвич" русумли автомашинасга юклаб, Фарғона шаҳридаги дехқон бозорига олиб борганини, у ерда саримсоқ пиёзни сотиб, соат 06³⁰ ларда Қумтепа бозорига уйга харажат қилиш учун келганини, бозорда керакли харажатларни қилиб, соат 08³⁰-9⁰⁰ ларда ўзини уйига келганини, шу билан уйда уй ишлари билан шуғулланиб, уйда қолганини, шу куни тушликдан кейин укаси билан телефонда гаплашганини, укаси турмуш ўртоғи Г.Қосимова бир кун олдин соат 17⁰⁰ ларда уйдан чиқиб кетиб, қайтиб келмаётганини айтганини, унга уни қаерда бўганини сўраганини, у боғда онаси Х.Имомова билан ўт ўраётган бўлганини айтганини, турмуш ўртоғи Х.Имомова билан соат 19⁰⁰ ларда ота-онасини уйига бориб, келинни қачон, қаерга чиқиб кетганини сўраганини, бир кун олдин соат 17⁰⁰ ларда уйдан чиқиб кетганини айтишганини, уни чиқиб кетганини ҳеч ким кўрмаганини, у пайтда укаси ва онаси боҳда ўт ўраётганини, отаси дори олгани уйдан чиқиб кетганини, кейин улар турмуш ўртоғи билан шу куни соат 20⁰⁰ ларда у ердан ўзларини уйига қайтиб кетишганини, 2022 йил 3 октябрь куни соат 06⁰⁰ ларда отасига қўнғироқ қилиб, укасини турмуш ўртоғи Г.Қосимовани топилган ёки топилмаганини сўраганини, отаси янгилик йўқлигини, жим-житлик эканлигини, кеча келинни дадаси келиб, қизини топиб беришини айтиб, тўполон қилиб кетганини айтганини, кейин уйдаги мол-қўйларга қараб, эвакуаторни карданини ечиб, "Москвич" русумли автомашинасида Оқбўйра қишлоғидаги устага олиб бориб, сварка қилдириб, уйга келганини, укаси Ҳ.Имомовага қўнғироқ қилганида, уни туман ИИБ ходимлари ИИБ биносига олиб кетишаётганини айтганини, улардан хабар олиш учун ота-онасини уйига келганини, у ерда автомашиналар турганини, ИИБ ходимлари ҳам борлигини, уни у ердан ИИБ биносига олиб келиб сўроқ савол қилишганини, шу ерда отаси Р.Имомовни укаси Ҳ.Имомовни турмуш ўртоғи Г.Қосимовани ўлдириб қўйганини билганини, бунгача буни билмаганлиги ҳақида кўрсатма берди.

Гувоҳ Х.Имомов судда, судланувчи Р.Имомов отаси эканини, унга нисбатан ўз хоҳиши билан кўрсатма беришини, улар оилада уч нафар



фарзандлигини, опаси Имомова Ҳурматоӣ турмушга чиқиб кетганини, акаси Имомов Рӯзали Расулович ҳам оиласи билан Олтиариқ туманида яшаб келишини, 2010 йили Олтиариқ тумани Файзиобод қишлоғида яшовчи Қосимова Гулмира Неъматжон қизи билан қонуний никоҳ асосида турмуш қурганини, ҳозирда икки нафар фарзандлари борлигини, у оиласи ва фарзандлари билан ота-онасининг Қўштепа тумани, Хумдон м.ф.й., Бахт кўчаси, 8/1-уйда ота-онаси билан бирга яшаб келишини, турмуш ўртоғи Г.Қосимова Олтиариқ тумани Файзиобод қишлоғидаги сил касалликлари санаториясида кутубхоначи бўлиб ишлаганини, ҳар куни соат 08⁰⁰ дан 13⁰⁰ га қадар ишлаб, кейин уйга келганини, икки ой олдин 1 ставка ишга ўтиб, эрталаб соат 08⁰⁰ дан кеч соат 15⁰⁰ гача ишлаб, уйга келганини, шу билан бирга у бир йил олдин Қирғизистон Республикаси Ўш шаҳридаги университетга бошланғич таълим бўйича сиртдан ўқишга кириб, бу йил 2-босқичда ўқиганини, ўқишга йилда 2-3 маротаба бориб келганини, турмуш ўртоғи Г.Қосимова билан ўзаро муносабатлари жуда яхши бўлмаганини, турмуш ўртоғи жуда қайсар, ўзини билганидан қолмайдиган, гапга кирмас, бировни менсимас, охириги пайтлар жуда ҳам жиззаки бўлиб қолганини, турмуш ўртоғи Г.Қосимова ота-онаси ва акаси Р.Имомов билан ҳам муносабати яхши бўлмаганини, ота-онасига ҳам кўп гап қайтарганини, шуни орқасидан ота-онаси билан гап таллашиб, уришиб қолишганини, онаси Х.Имомова табиатан босиқ бўлгани учун турмуш ўртоғи Г.Қосимова билан унча кўп тортишмаганини, лекин отаси Р.Имомов жаҳли тез бўлганлиги сабабли турмуш ўртоғи Г.Қосимова билан тез-тез гап таллашиб қолганини, 2022 йил 1 октябрь куни соат 05⁰⁰ ларда боғдаги молларга қараб, сигирни соғиб, уйга келганини, уйдан ўрокни олиб, боққа бориб, ўт ўрганини, ўт қилиб бўлганидан сўнг соат 10⁰⁰ ларда отаси Р.Имомов акаси Рӯзали мошинаси ёғ қўйиб юборганини, устахонада эканлигини айтиб, бирга бориб кўриб келишларини айтганини, сўнг отаси Р.Имомов билан унинг “Matiz” русумли 337 давлат рақами белгили автомашинасида Олтиариқ тумани Окбуйра қишлоғидаги Сойиб ака исмли автомашина устасини уйига боришганини, у уйини устахона қилиб, уйда ишлаганини, у ерга ўғли Расулжонов Камронбек ҳам улар билан автомашинада бирга борганини, у ерда акаси Рӯзали ўзининг эвакуатор автомашинасини бортига бўёк сепишаётганини, эвакуаторни ёғини алмаштириш учун отаси билан дўконга бориб, ёғ ва бошқа керакли асбобларни олиб келиб берганини, керакли асбобларни қўйиб, эвакуаторни юргизиб, олиб чиққанини, у эвакуаторда бир айланиб келиб, у эвакуаторда, отаси ўзининг “Matiz” русумли автомашинасида, акаси Рӯзали ўзининг “Москвич” русумли автомашинида акасини Олтиариқ тумани Файзиобод қишлоғидаги уйига келишганини, эвакуаторни акасини уйига олиб кириб қўйганини, у, ўғли ва отаси “Matiz” русумли автомашинасида уйларига келишганини, уйда турмуш ўртоғи Г.Қосимова, қизи Расулжонова Гуллола бирга туришганини, онаси Х.Имомова боққа ўт ўргани кириб кетганини, у уйга кириб, кийимларини алмаштириб чиқиб, бир тўғрам нон билан бир пиёла чой ичиб ўт ўргани боқа кириб кетганини, у билан фарзандлари Г.Расулжонова ва К.Расулжоновлар кўчага бирга чиқишиб, кўп қаватли уйларни ўртасидаги уйингоҳга уйнагани кетишганини, уйда отаси Р.Имомов билан турмуш ўртоғи Г.Қосимова қолишганини, отаси сўрида чой ичиб турганини, турмуш ўртоғи Г.Қосимова эса ошхонага кириб кетганини, у



унингча кечки овқатга тайёргарлик кўрмоқчи бўлганини, у боққа кирганида онаси Х.Имомова паст томонни ўтини уришаётган бўлганини, тепа томонга бориб, ўт ўрганини, суғуриб олинган ўтларни томирини тозалаб йиғиб молларни олдига борганини, соат 18³⁰-19⁰⁰ ларда, яъни ғира-шира вақтда уйга кириб, молларга ем олиб чиққанини, уйда фарзандлари иккиси ҳам бўлганини, онаси Х.Имомова таҳорат олишаётганини, уйда отаси бўлмаганини, чунки дарвозахонада турадиган “Matiz” русумли автомашина бўлмаганини, отаси бирон жойга бошқариб кетган бўлса керак деб уйлаганини, турмуш ўртоғи Г.Қосимова ҳам бўлмаганини, лекин у уни уйни ичида бўлса керак деб уйлаганини, уйдан пақирчада емни ва сутни пақирини олиб, боққа кириб, молларга емини бериб, сигирларни соғиб, шом пайтда уйга келганини, уйда онаси Х.Имомова ва фарзандлари сўрида ўтиришганини, у онасидан турмуш ўртоғи Г.Қосимовани қаерда эканини сўраганини, онаси отаси турмуш ўртоғига овқатни ширинроқ қилинг деганига, турмуш ўртоғи ошхона эшигини қаттиқ ёпиб чиқиб кетибди деб айтганини, у яна муаммо бошланибдида деб ҳаммомга кириб чиққанини, чиққанида отаси Р.Имомов уйга келганини, ундан қаерга борганини сўраганини, отаси дори олгани бориб келганини айтганини, кейин у сочини калталатмоқчи бўлиб кўчага чиқиб, турмуш ўртоғи Г.Қосимовани қидириб кўриб, топа олмаганини, онасига турмуш ўртоғини улардан унча узок бўлмаган кўп қаватли уйда яшовчи дугонасини уйини бориб кўришларини тайинлаб, ўзи отасини “Matiz” русумли автомашинасини бошқариб, сартарошга бориб, сочини калталатиб, кўчалардан турмуш ўртоғини қидириб, Марғилон шаҳар айланасигача автомашинада бориб келганини, лекин турмуш ўртоғини тополмаганини, соат 21⁰⁰-21³⁰ ларда уйга қайтиб келганида, уйда ота-онаси ва фарзандлари сўрида ўтиришганини, онасидан турмуш ўртоғини келган-келмаганини сўраганини, онаси келмаганини айтганини, турмуш ўртоғи уйда бўлса, кўпроқ телефон аппарати уйни ичида туришини, шу куни ҳам уйга кириб қараганида, унинг телефон аппарати уйга киришдаги тримода турганини, қизи Г.Расулжонова бувасига кўнғироқ қилиб, онасини уларни уйига борган ёки бормаганини сўрашини айтганини, қизи кўнғироқ қилиб сўраганини, уларни уйларига бормаганини айтишганини, қайнисинглиси Қосимова Гулсанамга кўнғироқ қилганида, у кўнғироқига жавоб бермаганини, орадан ярим соат ўтгандан кейин қайнонаси Қосимова Махсуда кўнғироқ қилиб қизини келган ёки келмаганини сўраганини, унга келмаганини айтганини, у Файзиобод қишлоғида яшовчи Суйди аммасини турмуш ўртоғи Россия Федерациясида эканлиги ва ўша ерга борган бўлиши мумкинлигини айтганини, у аммасини телефон рақами борми деб сўраганида, телефон рақами йўқлигини айтганини, қайнонасидан телефонда турмуш ўртоғини Олтиарикда яшовчи аммасини телефон рақамини сўраганини, қайнонаси ўзи сўраб кўришини айтиб, оз вақт ўтгандан кейин кўнғироқ қилиб, у ерга бормаганини айтганини, кеч соат 24⁰⁰ ларда “Matiz” русумли автомашинада турмуш ўртоғини Файзиобод қишлоғида яшовчи аммасини уйига борганини, эшикни тақиллатиб чақирганини, лекин улар эшикни очишмаганини, кейин уйига қайтиб келганини, автомашинани уйга олиб кириб қўйганини, шунда қайнонаси кўнғироқ қилиб, Суйди исмли аммасини уйига борганини, қизи у ерда бор-йўқлигини сўраганини, унга эшикни ҳеч ким очмаганини, эрталаб биронтасини киргизишини айтганини, кеч бўлиб кетиб у турмуш ўртоғи бирон жойда



аразлаб ётган бўлса, эртага ўзига келиб келар деб уйлаганини, шу билан ухлаб, эртаси куни соат 05⁰⁰ ларда турганини, молларга қараб, сигирни соғиб келганини, шу вақт акасига қўнғироқ қилиб, турмуш ўртоғи уйда йўқлигини, Файзиободдаги аммасини уйдан суриштириб беришини, қизини киргизиб юборишини сўраганини, ҳеч қанча ўтмасдан акаси қўнғироқ қилиб, турмуш ўртоғи аммасини уйига бормаганини, у ерда йўқлигини айтганини, уйга келиб, чойини ичганида қайнисинглиси Гулсанам қўнғироқ қилиб, кечаси қўнғироқ қилганини, синглиси Г.Қосимова топилган ёки топилмаганини сўраганини, унга ҳали ҳам йўқлигини айтганини, кейин кўчага чиқиб қўшниси Дониёрни эшиги олдида кўриб, турмуш ўртоғи йўқлигини, кеча кўрган ёки кўрмаганини сўраганини, у кўрмаганини айтганини, шунда Дониёрдан турмуш ўртоғидан ҳам сўраб беришини айтганини, у уйига кириб турмуш ўртоғидан сўраб чиқиб, турмуш ўртоғи ҳам кўрмаганини айтганини, уйга кириб, ота-онасига Файзиобод қишлоғига бориб қидириб келишини айтиб, Файзиобод қишлоғига бориб, холасини ўғли Дилшодни уйдан турмуш ўртоғини сўраганини, у ерга келмаганини айтишганини, у ердан чиқиб, турмуш ўртоғини ишхонасига санаторияга бориб, эшик тагидаги қоровулдан Гулмира ишга келган ёки келмаганини сўраганини, қоровул ишга келмаганини айтганини, қайнонасини уйига кириб, улардан янгилик борми деб сўраганини, улар йўқ дейишганини, турмуш ўртоғини ишхонасидаги дугонаси Нигорахонни уйига борганини, Нигорахон уйда бўлмаганини, ўғлидан телефон рақамини олиб, унга қўнғироқ қилиб сўраганини, у турмуш ўртоғини кўрмаганини айтганини, ундан турмуш ўртоғи яна ким билан яқин бўлганини сўраганини, у Муҳайёни телефон рақамини берганини, Муҳайёга қўнғироқ қилиб сўраганини, у ҳам уни олдида келмаганини, кўрмаганини айтганини, ундан санаторияни ичидаги тарбиячилар ва бошқа ишчилардан сўраб беришни айтганини, қайнонасиникига кирганида Муҳайё қўнғироқ қилиб, турмуш ўртоғи санаторияга бормаганини айтганини, шунда Муҳайёдан турмуш ўртоғи билан бирга ишловчи аммасини қизи Шахнозадан ҳам билиб беришини сўраганини ва у қайтиб қўнғироқ қилиб, турмуш ўртоғи Шахнозаларни уйига ҳам бормаганини айтганини, қайнонасиникига қайнисинглиси Гулсанам келганини, у билан гаплашиб, маҳалла фуқаролар йиғинига бориб, профилактика инспекторига айтишини айтганини, кейин Қўштепа тумани, Хумдон м.ф.й.га бориб, хотин-қизлар бўйича маслаҳатчига турмуш ўртоғи бир кун олдин уйдан чиқиб кетиб, қайтиб келмаганини айтганини, шунда у опа профилактика инспектори Достонни телефон рақамини берганини, шу куни тушлиқдан кейин у профилактика инспектори Достон билан телефонда гаплашиб, турмуш ўртоғи уйдан чиқиб кетиб йўқолганлигини айтганини, Достон уйига келиб вазиятни сўраганини, қайнисинглиси Гулсанам, қайноғаси Ҳожи ва қайнонаси Махсудаопалар уйга келишганини, у профилактика инспектори Достонга ҳамма жойни қараб чиқиб топа олмаганини, кўчадаги камераларни кўтариб кўриш кераклигини айтганини, кейин профилактика инспектори Достон билан у, қайнисинглиси ва қайнонаси ва Ҳожи Хумдон м.ф.й.даги йўлни бўйидаги катта камерани кўрганини, у камерада турмуш ўртоғи чиқмаганини, кейин у ердаги ошхонани камерасини кўргани кирганида, папкалари бўш эканлигини, у ердаги камера сақлаб қолмаслигини айтишганини, Достон унга канал бўйидан бир айланиб келишини сўраганини, у канал бўйидан чиқиб, Саткакни тепаларини айланиб



келганини, лекин турмуш ўртоғи Г.Қосимовани тополмаганини, уйни олдига келиб Достон билан яна айланиб келганини, орада қайнотаси Қосимов Неъматжон уйга келиб, қизини топиб беришини айтиб, тўполон қилиб кетганини, туман ИИБ ходимлари ва терговчилар бориб, уйларини бир қатор кўришиб, улар билан гаплашиб, ёзиб олишганини, улар кетгандан сўнг улар профилактика инспектори Достон билан кўчаларни бир қатор кўриб, айланиб келганини, Достонбек ухламай туришини, телефони ишлаб туришини, керак бўлиб қолишини тайинлаб кетганини, у “Matiz” русумли автомашинасида ухлаб қолганини, уйғонганида соат 05⁰⁰ эканини, молларга қараб, уйга кирганини, кийимларини алмаштириб, ота-онасига Фарғона шаҳрига бориб келишини, турмуш ўртоғини олдинги иш жойига бориб келишини айтиб, “Matiz” русумли автомашинада Фарғона шаҳридаги “Ипотека банк” тўғрисидаги хусусий клиникага бориб, у ерда катта ҳамшира билан гаплашиб, Қосимова Гулмира Олтиариқ томондан шу ерда олдин ишлаганини, кеча уйдан чиқиб кетиб, қайтиб келмаганини, олдин бу ерда ишлагани учун бу ерга келганмикан деб сўраб келганини айтганини, у опа турмуш ўртоғи Г.Қосимова бу ерга келмаганини айтганини, сўнг у ердан чиқиб, кўшниси Аваздан боғчани ҳам камерасини кўришларини айтганини, ҳеч қанча ўтмай Аваз кўнғироқ қилиб, боғча орқа қисмида камера йўқлигини, шунинг учун кўрмаганини айтганини, унга компьютерни яхши билгани учун ошхонани камерасини кеча кўра олмаганини, шуни кўриб беришини айтганини, у келса бирга кўришини айтганини, у Хумдондаги ошхонага келиб, Аваз кўшниси билан кириб уларга вазиятни тушунтирганини, улар очилса кўришларини айтишганини, Авазбек кўриб чиқиб, ошхона камераси ёзмаганини айтганини, ошхонадан чиқиб, маҳалла ёшлар етакчиси Ғаниев Собиржон билан гаплашганини, у уйини олдида эканлигини, келаверишини айтганини, у уйини олдига келганида, Собиржон уйни олдида ва хотин қизлар бўйича маслаҳатчи уйни ичида онаси билан гаплашиб турганини, Собиржон билан гаплашиб турганида, профилактика инспектори Достон Собиржонга кўнғироқ қилиб, уни маҳалла идорасига чиқиб туришини сўраганини, шунда 3-4 нафар ходимлар автомашинада келишиб, кириб уйларни бир қатор кўриб, уни ўзлари билан ИИБ биносига олиб боришиб, у ерда бўлган ҳолатларни сўраб олишганини, у ерда отаси Р.Имомовни турмуш ўртоғи Г.Қосимовани ўлдириб қўйганини билганини, бунга қадар буни билмаганини, отаси Р.Имомовни бу даражага боришини билмаганини, агарда олдинроқ билганида, буни олдини олиши мумкинлигини, отаси Р.Имомов турмуш ўртоғи Г.Қосимовани ўлдириши ҳақида унга айтмаганини, отасини бундай мақсади борлигини билмаганини, турмуш ўртоғи Г.Қосимова отаси Р.Имомовга олдинлари ўзаро таллашишганда, отасини Олтиариқ туманидан қувғин бўлиб, Хумдонда келгинди эканлигини айтиб тана қилганини, бундан отасини жаҳли чиқиб юрганини, лекин отаси бу ҳақда унга айтмаганини, онаси ҳам бу гапни энди, бу воқеалардан кейин айтишганини, турмуш ўртоғи Г.Қосимова отасини инжиқ эканлигини айтганини, унга отаси инжиқлик қилса, у тайинлаган ишларни у айтгандек қилиб қўйишини тайинлаганини, турмуш ўртоғи Г.Қосимова отаси уни урганлиги ёки ураётганлиги ёки унга тегажоғлик қилаётганини айтмаганлиги ҳақида кўрсатма берди.



Гувоҳ М.Нурматова судда, ҳақиқатдан ҳам 2022 йил 2 октябрь куни соат 09⁰⁰ ларда ишлари борлиги сабабли Хумдон м.ф.й. биносига чиқиб, ўз ишлари билан шуғулланиб турганида соат 13³⁰-14⁰⁰ ларда Қўштепа тумани, Хумдон м.ф.й., Бахт кўчаси, 8/1-уйда яшовчи Имомов Хусниддин м.ф.й. биносига кириб, ундан ҳудуд профилактика инспектори Д.Абдураимовнинг телефон рақамини сўраганини, ундан тинчликми, нима бўлди деб сўраганида у тинчлик эканлигини, унда ўзининг шахсий иши борлигини билдирганини, Хусниддинга Д.Абдураимовнинг телефон рақамини берганини, у унга раҳмат айтиб м.ф.й. биносидан чиқиб кетганини, бу вақтда Хусниддинни кайфияти унчалик йўқ ва хомуш ҳолатда бўлганини, шу куни соат 17⁰⁰ ларда уйига қайтиб кетганини, унга соат 20⁰⁰-21⁰⁰ ларда Хумдон м.ф.й., Бахт кўчаси, 11-уй, 17-хонадонда яшовчи Холбоева Хилола кўнғироқ қилиб, Бахт кўчаси, 8/1-уйда яшовчи Косимова Гулмирани яшаш хонадонидан чиқиб кетганлигини, ҳозирда Гулмирахоннинг ота-онаси турмуш ўртоғини уйига келиб, уни топиб бериш хусусида жанжаллашаётганини маълум қилганини, зудлик билан профилактика инспектори Д.Абдураимовга кўнғироқ қилиб, мазкур ҳолат ҳақида хабар берганини, Достонбек ҳозирда ушбу жанжал юз бераётган жойда турганини, Гулмирахонни бедарак йўқолганлиги юзасидан унинг яқин қариндошлари ИИБ ва прокуратура органларига мурожаат қилишганини, ҳозирда суриштирув ҳаракатлари олиб борилаётганини, жанжални ўзи тинчлантиришини айтиб, у билан хайрлашганини, эртаси куни, яъни 2022 йил 3 октябрь куни эрталаб иш жойига келиб, кейин Гулмирахоннинг қайтиб келганлигини аниқлаш мақсадида профилактика инспектори Достонбекка кўнғироқ қилганини, у ҳозирда уни қидириб топиш бўйича ишлар амалга оширилаётганини, лекин у ҳалиям топилмаганини билдирганидан кейин, Гулмирахон яшаб келган хонадонга кирганини, хонадонда Гулмирахоннинг қайнонаси Хурсаной опа борлигини кўриб, ундан келини ҳақида сўраганини, шунда у 2022 йил 1 октябрь куни кун бўйи уйда бўлишганини, шу куни тушлиқдан сўнг, келини Гулмирахонга кечки овқат тайёрлашлигини айтиб, уйлари тўғрисидаги мевали бокқа ўт қилиш мақсадида чиқиб кетганини, уни ортидан ўғли Хусниддин ҳам келганини, сўнг улар яшаш хонадонига киришган вақтда келини Гулмирахон уйда эмаслигини билишганини ва шу кунга қадар қайтиб келмаганини гапириб берганини, у Хурсаной опага Гулмирахонни топилиб қолар деб гапириб, уларни хонадонидан чиқиб м.ф.й. биносига қараб юрганини, йўлда кетаётганида унга профилактика инспектори Достонбек кўнғироқ қилиб, қаерда эканини сўраганини, унга бедарак йўқолган Гулмирахонни уйига кириб, чиқиб кетаётганини айтганини, шунда Достонбек уйда Расулжон ака борми деб сўраганини, унга Расулжон акани кўрмаганини, лекин уйда “Matiz” русумли автомашинани кўрганлиги ҳақида гапирганини, Достонбек Гулмирахон яшаб келган хонадон ёнига бориб туришини, ҳозирда йўлда эканини, бироздан кейин етиб боришини тушунтирганини, Достонбекнинг кўрсатмасига асосан Гулмирахон яшаб келган уйни ёнига бориб, ташқарида бироз турганини, шу орада ушбу хонадонга ИИБ ходимлари келишиб, уйнинг ичидан Расулжон акани олиб чиқиб кетишганини, сўнг ушбу жойга ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари келишиб, улардан бири уни четроққа чақириб, ким эканлигини сўраганини, у м.ф.й. масъул ходими эканини айтиб, унга ўзини таништирганини, у унга ўзининг телефон аппаратидан одамга тегишли



бошнинг расмини кўрсатиб, уни танишлигини сўраганини, шунда у ушбу расмни кўриб, бу бош Гулмирахонга тегишли эканини орган ходимига маълум қилганини, сўнг ундан ушбу ҳолат юзасидан тушунтириш хати олишганини, орадан бироз вақт ўтиб, Кўштепа тумани, Хумдон м.ф.й., Бахт кўчаси, 8/1-уйда яшовчи Имомов Расулжон ўзи билан бир манзилда яшовчи Косимова Гулмирахонни гап қайтарганлиги сабабли, 2022 йил 1 октябрь куни яшаш хонадонида уриб ўлдириб қўйганини эшитиб билганини, бироқ воқеа ҳолатининг аниқ тафсилотларидан хабардор эмаслигини, ўзига бириктирилган Хумдон м.ф.й. ҳудудида жойлашган Бахт кўчаси 8/1-уйда қасддан одам ўлдириш жиноятини содир этган Р.Имомов ва унинг оила-аъзоларининг яшаш шароитидан хабардорлигини, ушбу оила ўзига тўқ ва намунали оилаларданлигини, улар бирор-бир профилактик рўйхатда турмагани ҳамда ушбу оиладаги нотинчлик тўғрисида унга мурожаат ёки маълумот келиб тушмаганини, Р.Имомов пенсиядалигини, асосан уй юмушлари билан шуғулланиб келишини, унинг турмуш ўртоғи Хурсаной опа эса ҳеч қаерда ишламаслигини, уларнинг фарзандлари Хусниддин эса акаси Р.Имомов билан хонадонларга асфальт босиш билан шуғулланиб келишини, унинг турмуш ўртоғи Гулмирахон эса Олтиариқ тумани Файзиобод қишлоғидаги Болалар санаториясида кутубхоначи вазифасида ишлаганини, шунингдек Гулмирахон 2022 йил май-июнь ойлари давомида Хумдон м.ф.й.да Хотин-қизлар фаоли лавозими вакант бўлганлиги сабабли, бироз муддат ушбу лавозимда ҳам иш ўрганганлигидан хабардорлигини, у ўзига бириктирилган ҳудудда жинойий ҳолатлар юз беришини олдини олиш мақсадида ҳар ойда бир мартаба м.ф.й. раиси ва бошқа фаолларни жалб қилган ҳолда йиғилиш ўтказишини, доимий жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликка қарши курашиб, жазо муқаррарлигини тушунтиришини, маҳалла боши ва кўча бошилар билан яқка тартибда суҳбатлашиб олганини, нотинч оилалардаги хотин-қизлар билан гаплашиб, саккизта оилаларни ўзаро ярашиб кетишини таъминлаганини, доимий спиртли ичимликка ружу қўйган шахсларни реабилитация марказларига жойлаш бўйича таклифлар киритиб боришини, ҳукумат томонидан белгилаб берилган 9 тоифадаги шахслар билан шахсан ишлаб, уларга амалий кўмак бериш борасида чораларни кўриб боришини, Г.Косимовани Р.Имомов билан муқаддам ўзаро жанжаллашганлигини ёки уни ўлдиришга ҳаракат қилганлиги ҳамда бошқача кўринишда тан жароҳати етказганлигини эшитмаганини, агарда шу каби ҳолатлар юз берганлигини билганида ҳамда шу мавзуда мурожаат қилинганда тегишли тартибда чора-тадбирларни кўриши ҳақида кўрсатма берди.

Гувоҳ А.Хамроев судда, ҳақиқатдан ҳам, у 1998 йилдан буён кўшниси Имомов Расулжон ва унинг оила аъзоларини жуда яхши танишини, улар яқин кўшниси бўлишини, мазкур оила маҳалладагилар ва кўшнилари билан яхши алоқада бўлиб келишини, кўшнилари билан уруш-жанжал ҳолатларига боришмаганини, у шахсан бу каби салбий ҳолатларни кўрмаганини, 2011 йилда кўшниси Р.Имомовни кичик ўғли Хусниддинни Гулмирахон исмли қизга уйлантирганини, улар турмушлари давомида икки нафар фарзандли бўлишганлигидан хабардорлигини, кўшниси Расулжон акани келини Гулмирахон унинг келинлари Шохихахон ва Шохсанамхонлар билан яхши муносабатда бўлиб келганини, кўшниси Хусниддинни турмуш ўртоғи



Гулмирахон билан урушиб-жанжаллашганини кўрмаганини, лекин бундан тахминан 3-4 йил аввал Гулмирахон турмуш ўртоғи Хусниддин билан жанжаллашиб, кейин ота уйига аразлаб кетиб қолганлигини эшитганини, кейинчалик бу каби ҳолатлар содир бўлганлигини эшитмаганини, у суд тиббий экспертизаси бўлинмасида ишлаганлиги сабабли, ҳар 3 кунда бир маротаба навбатчи ҳайдовчи бўлиб ишда қолишини, навбатчилик бир сутка давом этишини, 2022 йил 2 октябрь куни соат 18⁰⁰ ларда турмуш ўртоғи Дилфузахондан қўшниси Расулжон акани келини Гулмирахон яшаш хонадонидан чиқиб кетиб, бедарак йўқолганини эшитиб билганини, лекин Гулмирахонни нима сабабдан яшаш хонадонидан чиқиб кетганлиги сабабини билмаслигини, 2022 йил 3 октябрь куни соат 08⁰⁰ да ўз иш жойига бориб, 2022 йил 4 октябрь куни соат 08⁰⁰ ларда навбатчиликни топшириб, яшаш хонадонига қайтиб келиб, яшаш хонадонига чой ичиб, уйига унча узок бўлмаган масофада жойлашган боққа ўтин қилиш мақсадида бориб, шу куни соат 12⁰⁰ ларда яшаш хонадонига қайтиб келаётганида қўшниси Расулжон аканинг хонадонини олд томонида бир неча ҳуқуқни муҳофаза қилиш органи ходимлари борлигини кўрганини, яшаш хонадонига кириб, турмуш ўртоғи Дилфузахондан тинчликми деб сўраганида, қўшниси Расулжон ака келини Гулмирахонни ўлдириб қўйганини, ИИБ ходимлари шу сабабли, уларнинг яшаш хонадонига келганини гапириб берганини, ушбу ҳолат нима сабабдан юз берганлиги сабабини билмаслигини айтганини, қўшниси Гулмирахонни вафот этишидан тахминан 5-6 кун аввал уйларини рўпарасидаги боққа сигирларига қараш учун ўтган вақтда кўрганини, шунда у унга салом бериб ўтиб кетганини, лекин у билан гаплашмаганини, Р.Имомовни келини Г.Қосимовани нима сабабдан ўлдирганини, бу қилмишни содир этаётган вақтда кимдир ёрдам берганини билмаслигини, илгари қўшниси Р.Имомов ва келини Г.Қосимованинг ўртасида зиддиятли ёки жанжалли ҳолатлар бўлганини билмаслигини, унингча бу ҳолат оилавий келишмовчилик оқибатида юз берган бўлиши мумкинлигини, қўшниси Х.Имомовнинг турмуш ўртоғи Г.Қосимова билан муносабатлари яхши бўлган деб ҳисоблашини, уларни илгари жанжаллашишганини кўрмаганини, лекин бундан тахминан 3-4 йил аввал Х.Имомов ва турмуш ўртоғи Г.Қосимова ўзаро жанжаллашиб қолишганлиги оқибатида Гулмирахон ота уйига кетиб қолиб, кейинчалик яна қайтиб келганини эшитганини, Х.Имомов қўшнилари ва бошқа оила-аъзолари билан яхши муносабатдалигини, Х.Имомовни бундан тахминан 10-15 йил аввал футбол ўйинини ўйнаш давомида бир шахс билан уришиб кетиб, уни уриб ўлдириб қўйганини эшитганини, Х.Имомов яшаш хонадонига боғда мевали дарахтларни парваришлаш, қора молларни боқиш ва акаси билан бирга фуқароларнинг яшаш хонадонига асфальт босиш ишлари билан шуғулланиб келиши ҳақида кўрсатма берди.

Гувоҳ Г.Қосимова судда, ҳақиқатдан ҳам синглиси Г.Қосимова Имомов Хусниддинга турмушга чиққанини, турмушларидан бир нафар ўғил ва бир нафар қиз фарзандли бўлишганини, синглиси Г.Қосимова Х.Имомовга турмушга чиққанидан сўнг, у синглисини кўп маротаба урадиган ва уни ишларидан камчилик ахтарадиган бўлиб қолганини, шунда синглиси кўп маротаба ота уйига фарзандларини олиб келиб қолганини, бироқ отаси Неъматжон ака ва онаси унга фарзандлари борлигини, ҳали ҳаммаси ўз изига



тушиб кетишини маълум қилишганини, шу сабабли, синглиси Г.Косимова турмуш ўртоғини уйига бориб яшашга мажбур бўлганини, шунингдек, синглисига унинг қайнотаси Р.Имомов ҳам рухий тазйиқ ўтказиб, уй юмушларини яхши бажара олмаётганини, овқатни ширин пиширмаётганини гапириб, уни асабига тегиб, турли хил гапларни гапириб келганини, синглиси Г.Косимова табиатан тўғрисўз, ҳақиқатни гапирадиган, меҳнаткаш, болаларига меҳрибон ва уларни яхши парвариш қиладиган, ўзи ишлаб, болалари ва ўзини таъминлай оладиган аёл бўлганлигини, унинг қайнотаси Р.Имомов синглиси ва турмуш ўртоғи Х.Имомовни чиқиштирмаганлиги ва улар билан арзимас сабабларга кўра уришганлиги сабабли, тахминан бир йил давомида 2016 йилдан 2017 йилга қадар ота уйларига келиб яшаб юришганини, у синглиси билан телефон орқали гаплашиб туришини, шунда у унга турмуш ўртоғи Хусниддин уни арзимас сабабларга кўра кўп маротаба ураётганини, қайнотаси Р.Имомов эса уни ишларидан камчилик топиб, у билан арзимас сабабларга кўра уришиб жанжаллашаётганини гапириб берганини, сўнги маротаба синглиси Гулмирахон билан телефон орқали гаплашганида у турмуш ўртоғи Хусниддин уни қорин ва бел соҳаларига урганини, қайнотаси яна у билан гап таллашиб қолганини, шу сабабли улар билан гаплашмасдан юрганини, қайнотаси ва қайнонаси билан аразлашиб қолганини гапириб берганини, шунда у унга ҳаммаси яхши бўлишини, бу кунлар ўтиб кетишини айтиб, кўнглини кўтаришга ҳаракат қилганини, 2022 йил 1 октябрь куни турмуш ўртоғи ва болалари билан бирга қайнонасининг Олтиариқ тумани Файзиобод қишлоғидаги яшаш хонадонига борганини, у ерга кетаётган вақтда телефон аппарати яшаш хонадонига қолганини, шу куни соат 19³⁰ ларда яшаш хонадонига қайтиб келган вақтда телефон аппаратига синглиси Г.Косимованинг турмуш ўртоғи Х.Имомовнинг телефон рақамидан соат 17⁰⁰-18⁰⁰ ларда бир маротаба кўнғироқ бўлганини кўрганини, лекин бирорта масала бўйича илтимос қилса керак деб ўйлаб, эртасига кундузги вақтда қайта кўнғироқ қилишлигини ўйлаб, унга қайта кўнғироқ қилмаганини, 2022 йил 2 октябрь куни соат 07⁰⁰-08⁰⁰ ларда унга онаси Юсупова Мақсудахон кўнғироқ қилиб, уларни ёнига тез етиб боришлигини, синглиси Гулмирахон бедарак йўқолганини йиғлаб гапириб берганини, сўнг у кичкина қизи билан бирга ота уйига соат 12⁰⁰ ларда борганини, уйда синглиси Гулмирахоннинг тўнғич фарзанди Гуллолаҳон ва онаси Мақсудахонлар борлигини кўрганини, онаси синглисидан жуда хавотир олиб йиғлаб ўтирганини, онасини юпатишга ҳаракат қилиб, уни тинчлантириб ўтирганини, шу куни соат 13³⁰ ларда синглиси Гулмирахоннинг турмуш ўртоғи Хусниддин улар турган хонадонга гўёки Гулмирани қидирган киши сифатида хавотирли кўринишда келганини, синглисини қидириб топиш бўйича ИИБга мурожаат қилганлигини сўраганини, уни гапидан саросимага тушиб, улар турган хонадондан чиқиб кетганини, улар синглисини қидириб топишни ташкиллаштириш мақсадида шу куни соат 14⁰⁰ ларда Қўштепа тумани Хумдон м.ф.й. профилактика инспекторига мурожаат қолдириш мақсадида унинг хизмат хонаси ва уйига борганини, бироқ у йўқлиги сабабли, унга кўнғироқ қилиб, синглиси Гулмирахонни йўқолиб қолганлиги бўйича унга мурожаат қилиб келганлигини тушунтирганини, у ҳозир ўша ерга етиб боришини тушунтирганини, профилактика инспекторини кутиб туриш давомида синглисини эри Хусниддинга кўнғироқ қилиб, уни топилган ёки



топилмаганини сўраганини, у отаси Расулжонни Хумдон м.ф.й. профилактика инспекторининг олдида чиқиб кетганлигини айтганидан сўнг, у бу ерда Расулжон акани кўрмаганлиги сабабли, бу ҳолат унга бироз ғалати туюлиб, синглиси Гулмирахон келин бўлиб тушган хонадонга етиб борганини, бу вақтда Х.Имомов, уни отаси Р.Имомов ва онаси Хурсаной опалар ғалати бир ғамгин ва саросима ҳолатда яшаш хонадонларида ўтиришганини, кейин у ва онаси синглисини қаерда эканлигини сўраб, уни қидиришга ҳаракат қилганини, шу орада профилактика инспекторлари ҳам етиб келишганида у синглисининг ётоқхонасига кириб, унинг расмларини ва шахсига оид ҳужжатларини топиб берганини, шундан сўнг, у онаси билан бирга яшаш хонадонига қайтиб кетиб, кечки вақтда ота-онаси билан бирга синглиси келин бўлиб тушган хонадонга бориб, улардан синглисини топиб беришлигини сўраганини, ўртада оғзаки равишда бироз тортишув ҳам бўлганини, улар шу куни Қўштепа тумани прокуратурасига бориб, синглиси Г.Косимованинг бедарак йўқолганлиги ҳолати юзасидан мурожаат қолдирганини, эртаси куни, яъни 2022 йил 3 октябрда турмуш ўртоғи бошқа яқин қариндошларидан синглиси Г.Косимовани қайнотаси Р.Имомов томонидан қасддан ўлдирилганини ва уни тана аъзолари бўлакларга ажратилган ҳолда турли жойлардан топилганини эшитганини, синглиси Г.Косимовани унинг қайнотаси Р.Имомов унга нисбатан узоқ йиллардан буён адоват сақлаб келганлиги ва уни ёмон кўрганлиги сабабли қасддан ўлдирган деб ҳисоблашини, синглиси Гулмирага унинг турмуш ўртоғи Х.Имомов ва қайнотаси Р.Имомовлар кун бермаган вақтда, синглиси уларни ўғирлик қилишларини билгани ҳолда бу ишлари бўйича ИИБ органларига хабар беришлигини, кейин уларни ит сўйиб ейишликларидан хабардор бўлганлиги сабабли, идиш-товокларини ажратиб олганлиги ва бошқа сабабларга кўра унга қайнотаси Расулжон ака ўчакишиб қолиб, уни ўлдириб, гўштини итларга ем қилиши ҳақида айтганлигини бундан тахминан 2 йил аввал синглиси унга айтиб берганини, шунингдек, у ушбу жиноятни содир этишда Р.Имомовга унинг фарзанди Х.Имомов ёрдам берган ёки энг асосий ишни у бажарган деб ҳисоблаши ҳақида кўрсатма берди.

Гувоҳ вояга етмаган Г.Расулжонова судда, у Олтиариқ туманидаги 32-сонли мактабда ўқишини, ушбу мактабга яқин масофада онаси Гулмирахоннинг отаси Неъматжон опоқининг яшаш хонадони жойлашганлиги сабабли, у дам олиш кунлари ёки байрам кунларида уларнинг яшаш хонадонига қолиб, буваси Юсупова Мақсудахон билан бирга вақт ўтказишини, 2022 йил 30 сентябрь куни соат 07⁰⁰ ларда у пиёда Олтиариқ тумани Файзиобод қишлоғидаги 32-сонли мактабга бориб, дарслардан соат 13¹⁰ ларда чиққанини, инглиз тилидан репититор дарслари қолдирилганлиги сабабли, опоқиси Неъматжонларникига пиёда юриб, соат 13¹⁵ ларда етиб борганида буваси Мақсудахон, опоқиси Неъматжон ва укаси Камронбеклар борлигини, у ушбу хонадонга келганидан тахминан 5 дақиқат вақт ўтиб, ушбу жойга онаси Гулмирахон яхши кайфиятда кириб келиб, “Ўқитувчи ва мураббийлар байрами”дан келаётганини маълум қилиб, улар билан тахминан 10 дақиқа вақт ўтиб, онаси яшаш хонадонига кетишлигини билдириб, уларни ушбу жойда қолдириб кетганини, укаси Камронбек эса у билан бирга қолишлигини айтганлиги сабабли, онасини ўзи ёлғиз кетганини, у орадан тахминан 5-10 дақиқа вақт ўтиб, укаси Камронбекни ўзи билан бирга олиб, ўзларининг



Кўштепа туманидаги яшаш хонадонига кетиш учун опоқиси Неъматжонларникидан ташқарига чиқиб “Damas” русумли автомашинага чиқиб, соат 13³⁰ ларда ота-онаси билан бирга яшаб келадиган хонадонга етиб борганини, у ва укаси Камронбек яшаш хонадонига кириб келганида уйда опоқиси Расулжон, дадаси Хуснидин, онаси Гулмирахон ва буваси Хурсанойлар борлигини кўрганини, бу вақтда опоқиси Расулжон уйга кирилгандаги чап томондаги сўрида чой ичиб ўтирганини, буваси Хурсаной ҳам опоқисининг ёнида сўрида ўтирганини, дадаси Хусниддин эса уйнинг орқа томонидаги молхонада юрганини, онаси Гулмирахон эса ўзларининг яшаш хонасида телевизор кўриб ўтирганини, у ва укаси опоқиси ва буваси билан саломлашиб, онаси ўтирган хонага кирганини, бу вақтда уйдагиларни ҳаммасини кайфияти яхши эканини, укаси Камронбек билан бирга яшаш хонасида ва хонадонининг ҳовли қисмида турли хил ўйинчоқларини ўйнаб юрганини, шу куни буваси Хурсаной кечки овқат қилганлиги сабабли, улар билан бирга ўтириб кечки овқатни бирга қилганини, лекин онаси Гулмирахон дадаси Хусниддин билан бундан бир ҳафта илгари овқат тайёрлаш хусусида уришиб қолишганлиги сабабли, онаси улардан алоҳида ўзининг ётоқхонасида кечки овқатни истеъмол қилганини, шу куни соат 21⁰⁰ ларда у, онаси ва укаси биргаликда ётиб ухлашганини, 2022 йил 1 октябр куни соат 07⁰⁰ ларда уйқудан туриб кўчага чиқиб ювинганини, у ташқарига чиққан вақтда ташқарида опоқиси, бувисини кўрганини, онаси Гулмирахон эса яшаш хонасида уйларни тозалаб юрганини, шу куни у опоқиси ва бувиси билан бирга нонушта қилишганини, дадаси Хусниддин ҳар доимгидек ўт ўриш учун яшаш хонадонининг ташқарисидаги олма боғига чиқиб кетганини, соат 09⁰⁰ ларда ўт ўриб қайтиб келганини, шу куни соат 12⁰⁰ ларда у буваси Хурсаной билан бирга тушлик қилганини, опоқиси Расулжон эса ўзининг яшаш хонасида бўлганини, шу куни соат 12⁰⁰ лардан ўтиб, опоқиси Расулжон яшаш хонасидан чиқиб, ошхонада макка қайнатиб қўйганини, у буваси Хурсаной билан бирга ушбу маккадан истеъмол қилганини, соат 14³⁰ ларда дадаси Хусниддин ва опоқиси Расулжонлар ўзларининг “Matiz” русумли автомашиналарида амакиси Рўзали ака олган “Газел” русумли автомашинасини устага кўрсатиб келишларини айтишиб, кўчага чиқиб кетишганини, буваси Хурсаной соат 14⁵⁰ ларда уйнинг рўпарасидаги олма боғидан ўт ўриш учун ташқарига чиқиб кетганини, онаси Гулмирахон эса уйларни тозалаш ва кир ювиш билан машғул бўлганини, у укаси Камронбек билан бирга соат 15⁰⁰ ларда яшаш хонадонининг олдидаги кўп қаватли уйларнинг ҳовли қисмидаги болалар ўйингоҳига чиқиб, турли хил ўйинларни ўйнашганини, укаси Камронбек билан бирга соат 16³⁰ ларда яшаш хонадонига қайтиб келганини, бу вақтда уйда фақат буваси Хурсаной борлигини кўрганини, ундан онаси Гулмирахоннинг қаерда эканлигини сўраганини, у билмаслигини билдирганини, у бувасидан дадасини сўраганини, у дадасини ўт ўриш учун уйнинг рўпарасидаги боғга ўт ўриш учун чиқиб кетганини айтганини, шу вақтда у яшаш хонадонининг ошхонасини эшигига ўрнатилган ойнани синиб кетганини, ички пол қисмини эса тозалаб артиб қўйилганини кўрганини, у буваси Хурсанойдан ошхонани эшигидаги ойнани нима сабабдан синиб кетганини сўраганини, буваси билмаслигини айтганини, бу вақтда бувасининг кайфияти йўқ, ғамгин ҳолатда эканлигини, шу куни буваси кечки овқат қилиш учун ширингуруч тайёрлаганини у, укаси Камронбек



ва буваси Хурсанойлар ушбу овқат тайёр бўлганидан сўнг, уни энди истеъмол қиламиз деб турган вақтда опоқиси Расулжон “Matiz” русумли автомашинасида келиб, уларни ёнларига қўлида қандайдир таблетка билан хурсанд ҳолатда кириб келиб, улар билан саломлашганини, у опоқиси Расулжон билан кўришиб, ундан онасини қаерда эканини сўраганини, шунда опоқиси Расулжон онаси Гулмирахонга ширинроқ овқат қилишни тайинлаганини, шунда онаси унга зарда қилиб ошхона эшигини ёпганини, кейин ошхона эшигидаги ойна синиб кетганини, аччиқ қилиб уйдан кўчага чиқиб кетганини айтганини, орадан тахминан 2-3 дақиқа вақт ўтиб, дадаси Хусниддин ҳам ўт ўриб бўлиб кўчадан доим ўт ўрганда киядиган кийимларида кириб келганини, тўғри ҳаммомга кириб, у ерда тахминан 20 дақиқаларда қайтиб чиққанини, дадаси Хуснидин ҳаммомда эканлиги вақтда у укаси Камронбек билан уйидаги сўрида ўтирганини, опоқиси ва буваси эса сўрининг ёнидаги ошхонага кириб олишиб, пичирлашиб тахминан 10 дақиқа давомида нималарнидир гаплашишганини, кейин дадаси Хуснидин ҳаммомдан чиқиб, яшаш хонасига кириб, уст-бошини алмаштириб чиқиб, опоқиси Расулжондан автомашинани бериб туришини, бир иши борлигини маълум қилганини, шунда опоқиси Расулжон дадасидан нима иши борлигини сўраганини, лекин у ушбу вақтда укаси учун қошиқча олиш учун ошхонага кириб кетаётганлиги сабабли, дадасини қаерга бормоқчи экани ҳақидаги гапларини эшитмай қолганини, дадаси “Matiz” русумли автомашинани бошқариб, уйдан чиқиб кетганини, буваси Хурсанойдан дадасини қаерга кетганлигини сўраганида у Киргилида иши бор эканлигини айтганини, орадан тахминан 20 дақиқа вақт ўтиб, буваси Хурсаной онаси Гулмирахонни Хумдон қишлоғидаги кўп қаватли уйларда яшовчи Матлуба исмли ўртоғиникига кетган бўлиши мумкин деб, у ва укасини олиб, онасини дугонаси Матлуба опаларникига бориб, ундан онасини сўрашганини, лекин у онасини келмаганини билдирганини, буваси Хурсаной онаси аниқ дугонаси Матлубаларникида эканини, улар келгани учун яшириниб олди деб гапирганини, улар уйга қайтиб келганини, шу орада буваси у ва укасига яшаш хонадонига кириб кетиб дам олишларини тайинлаганини, шунда у буваси Хурсанойга уйнинг меҳмонхонасига кириб кўриб чиқишликни, ўша ерда онаси беркиниб ўтирган бўлиши мумкинлигини айтганини, лекин буваси Хурсаной у ерга кирмаслигини, у ерда онаси Гулмирахонни йўқ эканлигини, бироз аввал ўзи ҳам кириб кўриб чиққанлигини маълум қилганини, у укаси билан бирга уйга кириб, телевизор кўриб ўтирганини, орадан тахминан 1 соат вақт ўтиб, дадаси уларига қайтиб келиб улар ўтирган жойга келиб, кўчага кийган кийимларини алмаштириб, уй кийимларини кийиб опоқиси, буваси ўтирган сўрига бориб, нималарнидир пичирлашиб гаплашишганини, у онаси Гулмирахонга тегишли бўлган ва яшаш хонадонига қолиб кетган 90-162-46-09 рақамли телефон аппаратида буваси Мақсудахонга кўнғироқ қилиб, аясини уларникига борганлигини сўраганини, у онасини келмаганлигини билдириб, нима бўлди деб савол берганини, у опоқиси Расулжон онасига ширинроқ овқат қилинг деб айтганлиги учун у аразлаб кўчага чиқиб кетибди деб жавоб берганини, шу куни буваси Мақсудахон унга тахминан 6-7 маротаба кўнғироқ қилиб, онаси Гулмирахонни келганини сўраб турганини, шу куни соат 21³⁰-22⁰⁰ ларда укаси Камронбек билан бирга ухлаганини, 2022 йил 2 октябрь куни соат 05⁰⁰ ларда буваси Мақсудахон уларнинг яшаш хонадонига кирганида



у уни овозини эшитиб ташқарига чиққанини, бувалари Мақсудахон ва Хурсанойлар ўзаро гаплашиб туришганини, буваси Мақсудахон уни ўзи билан бирга олиб яшаш хонадонига кетганини, укаси Камронбек эса ўртоғи уларни уйларига чиққанлиги сабабли, буваси билан кетишни хоҳламаганини, кейинчалик у онаси Гулмирахонни вафот этганлигини эшитиб билганини, лекин қандай ҳолатда вафот этганлигини эшитмаганини, 2022 йил 1 октябрь соат 16³⁰ ларда кўчадан укаси Камронбек билан ўйнаб яшаш хонадонига қайтиб кирган вақтда буваси Мақсудахон билан гаплашиб, ундан онаси ва бобосини сўраганини, шунда бобоси Расулжонни улардан бироз аввал дорихонага чиқиб кетганлигини билганини, уни соат 16⁰⁰ ларда кўчага чиқиб кетган деб фараз қилганини, бобоси Расулжон шу куни соат 19⁰⁰ ларда яшаш хонадонига қайтиб келганидан сўнг, у билан гаплашган вақтда у дорихонага бир ўзи чиқиб келганлигини маълум қилганини, 2022 йил 1 октябрь куни соат 16⁰⁰ ларда бобоси Р.Имомов дорихонага чиқиб кетган вақтда дадаси молларга ўт ўриш учун яшаш хонадонининг ташқарисидаги бокка кириб кетганини, кўчадан келиб бувасидан дадаси Хусниддинни сўраганида у шундай деб маълум қилганини, 2022 йил 1 октябрь куни соат 19⁰⁰ ларда бобоси Р.Имомов “Matiz” русумли автомашинасини бир ўзи кўчадан ҳайдаб уйга кириб келганини, бу вақтда уни кайфияти жуда ҳам зўр бўлганини, бу вақтда уни эғнида кўчага ва тўйларга киядиган яхши кийимлар бўлганини, илгари онаси Г.Косимова ҳаётлигида у билан кўпроқ бобоси Р.Имомов, дадаси Хусниддин ва амакиси Рўзиалилар урушиб-жанжаллашишганини кўрганини, урушни бобоси Р.Имомов бошлашини, у онаси билан кўпинча чиқишолмаслигини, ушбу жанжалга дадаси Хусниддин ёки амакиси Рўзиалилар араллашиб, оталари Р.Имомовни ёнини олиб, онаси билан жанжаллашиб кетишганини, жанжал давомида онаси Гулмирахонни фақатгина дадаси Хусниддин урганини, онаси ўз ота уйига кетиб қолишини, бу каби ҳолатлар жуда кўп маротаба содир бўлганини, бобоси Р.Имомов ва буваси Х.Имомовалар у ва укасидан кўра, амакиси Рўзиалининг болаларини кўпроқ яхши кўришар, уларга бошқа набираларига қараганда бошқача муносабатда бўлиб келишганини, онаси Гулмирахон вафот этишидан тахминан 2 ой аввал отаси Хусниддин у билан жанжаллашиб кетганини, жанжал давомида у онасини қорин ва бош соҳаларига уриб кўкартириб ташлаганлиги ҳақида кўрсатма берди.

Гувоҳ Б.Мухаммадиев судда, ҳақиқатдан ҳам, у 2005 йилдан буён қўшнисини Р.Имомов ва унинг оила аъзоларини яхши танишини, улар яқин қўшнисини бўлишини, мазкур оила маҳалладагилар ва қўшнилари билан яхши алоқада бўлиб келишини, қўшнилари билан уруш-жанжал ҳолатларига боришмаганини, у шахсан бу каби салбий ҳолатларни кўрмаганини, 2011 йилда қўшнисини Р.Имомовни кичик ўғли Хусниддинни Олтиариқ туманида туғилган Гулмирахон исмли қизга уйлантирганини ва улар турмушлари давомида икки нафар фарзандли бўлишганлигидан хабардорлигини, у қўшнисини Хусниддинни турмуш ўртоғи Гулмирахон билан урушиб-жанжаллашганини кўрмаганини, бундан тахминан 4-5 йил аввал Гулмирахон турмуш ўртоғи Хусниддин билан жанжаллашиб қолиб, кейин ота уйига аразлаб кетиб қолганини эшитганини, кейинчалик бу каби ҳолатлар содир бўлганлигини эшитмаганини, 2022 йил 1 октябрь куни маҳалладаги одамлардан қўшнисини Расулжон акани келини Гулмирахон яшаш хонадонидан чиқиб кетиб, бедарак йўқолганлигини эшитиб



билганини, Гулмирахон опани нима сабабдан яшаш хонадонидан чиқиб кетганлиги сабабини билмаслигини, 2022 йил 3 октябрь куни соат 10⁰⁰-11⁰⁰ ларда маҳалладаги шахслардан қўшниси Гулмира опа қайнотаси Расулжон ака томонидан ўзаро оилавий жанжал сабабли ўлдирилганлигини ва унинг тана аъзолари Олтиариқ ва Фарғона туманлари ҳудудларидан топилганлигини эшитиб билганини, нима сабабдан Расулжон ака ўз келини Гулмирахон опани қасддан ўлдирганлиги сабабини билмаслигини, ИИБ ходимлари ундан ҳолат юзасидан тушунтириш хати олишганини, Р.Имомовни келини Г.Косимовани нима сабабдан ўлдирилганлигини ва бу қилмишни содир этаётган вақтда кимдир ёрдам берганлигини билмаслигини, илгари қўшниси Р.Имомов ва келини Г.Косимованинг ўртасида зиддиятли ёки жанжалли ҳолатлар бўлганлигини билмаслигини, унингча бу ҳолат оилавий келишмовчилик оқибатида юз берган бўлиши мумкинлигини, муқаддам Хумдон м.ф.й.да ёшлар етакчиси вазифасида ишлаб юрган вақтда қўшниси Гулмирахон опа ҳам ушбу м.ф.й.да бироз муддат иш ўрганиб юрганини, шу вақтда у билан суҳбатлашганида у ўз қайнотаси Расулжон аканинг унинг ишларига аралашishiлиги, ишларидан айб ахтариши ва бошқа ҳолатлар юзасидан шикоят қилиб гапирганини, унинг қайнотаси билан муносабатлари яхши бўлмаганлигини билганини, Гулмирахон опа турмуш ўртоғи Хусниддин ака билан яхши муносабатда бўлиб келганини, ундан бирор мартаба ҳам шикоят қилмаганини, қўшниси Х.Имомовнинг турмуш ўртоғи Г.Косимова билан муносабатлари жуда яхши бўлганини, уларнинг уришиб-жанжаллашганлиги ҳолатларини умуман эшитмаганлиги ҳақида кўрсатма берди.

Гувоҳ А.Мирзаев судда, ҳақиқатдан ҳам, у қўшниси Р.Имомов ва унинг оила аъзоларини болалик вақтларидан буён яхши танишини, улар яқин қўшни бўлишишини, мазкур оила маҳалладагилар ва қўшнилари билан яхши алоқада бўлиб келишини, қўшнилари билан уруш-жанжал ҳолатларига боришмаганини, у шахсан бу каби салбий ҳолатларни кўрмаганини, у 2011 йилда қўшниси Р.Имомовни кичик ўғли Хусниддинни Олтиариқ туманида туғилган Гулмирахон исмли қизга уйлантирганини, улар турмушлари давомида икки нафар фарзандли бўлишганлигидан хабардорлигини, қўшниси Хусниддинни турмуш ўртоғи Гулмирахон билан урушиб-жанжаллашганлигини кўрмаганини, бундан тахминан 4-5 йил аввал Гулмирахон турмуш ўртоғи Хусниддин билан жанжаллашиб қолиб, ота уйига аразлаб кетиб қолганлигини эшитганини, кейинчалик бу каби ҳолатлар содир бўлганлигини эшитмаганини, 2022 йил 2 октябрь куни соат 18⁰⁰ ларда турмуш ўртоғи Мирзаева Раънохондан қўшниси Расулжон акани келини Гулмирахон яшаш хонадонидан чиқиб кетиб, бедарак йўқолганлигини эшитиб билганини, Гулмирахонни нима сабабдан яшаш хонадонидан чиқиб кетганлиги сабабини билмаслигини, 2022 йил 3 октябрь куни соат 12⁰⁰ ларда ишлари билан яшаш хонадонидан ташқарига чиққан вақтда қўшниси Расулжон аканинг хонадонини олд томонида бир неча ҳуқуқни муҳофаза қилиш органи ходимлари борлигини кўрганини, ҳақиқатдан ҳам Расулжон акани келини Гулмирахон 2022 йил 1 октябрь куни яшаш хонадонидан чиқиб кетиб, бедарак йўқолганлигини эшитиб билганини, шу орада ИИБ ходимлари ундан ҳолат юзасидан тушунтириш хати олишганини, кейинчалик маҳалладаги танишларидан 2022 йил 1 октябрь куни қўшниси



Расулжон ака келини Гулмирахон билан ўзаро оилавий сабабларга кўра жанжаллашиб, уни яшаш хонадонига ўлдириб қўйганлигини ва кейин уни тана аъзоларини Олтиариқ ва Фарғона туманлари ҳудудига ташлаб кетганлигини эшитиб билганини, Р.Имомовни келини Г.Косимовани нима сабабдан ўлдирганини, бу қилмишни содир этаётган вақтда кимдир ёрдам берганлигини билмаслигини, илгари қўшниси Р.Имомов ва келини Г.Косимованинг ўртасида зиддиятли ёки жанжалли ҳолатлар бўлганлигини билмаслигини, унингча бу ҳолат оилавий келишмовчилик оқибатида юз берган бўлиши мумкинлигини, қўшниси Х.Имомовнинг турмуш ўртоғи Г.Косимова билан муносабатлари жуда яхши бўлган деб ҳисоблашини, чунки қўшниси Расулжон ака билан бир сафар гаплашиб қолганида, унга келини Гулмирахон яхши муомала қилмаётганини, уларга бошқа уйга чиқиб кетишлиklarини айтсада, уйдан кетишмаётганлигини нолиб гапириб берганини, ундан келини Гулмирахонга насиҳат қилиб қўйиши лозимлигини сўрамаганлиги ҳақида кўрсатма берди.

Гувоҳ Т.Тожибоев судда, ҳақиқатдан ҳам Косимова Гулмирахон Неъматжон қизи Имомов Хусниддинга 2011 йилда турмушга чиққанини, турмушларидан бир нафар ўғил ва бир нафар қиз фарзандли бўлишганини, синглиси Имомова Хурсаной уларнинг хонадонига хабар олиш учун келган вақтда келини Гулмирахонни у ва турмуш ўртоғи Расулжон ҳамда фарзанди Хусниддин билан чиқишолмасдан жанжаллашиб қолаётганини, оилавий келишмовчиликлардан тўйиб кетганлигини бир неча маротата гапириб берганини, оилавий жанжаллар айнан нима сабабдан келиб чиқишлигини аниқ гапирмаганини, ушбу жанжаллар оиладаги оддий маиший келишмовчиликлардан келиб чиққан бўлиши мумкинлигини, чунки ҳар бир оилада ўзига яраша муаммо ва келишмовчиликлар юз бериб туришини, келини Гулмирахонни вафот этишидан тахминан 3-4 ой аввал Қўштепа тумани Хумдон м.ф.й.даги боғидан хабар олиш учун кетаётган вақтда кўрганини, у эса Олтиариқ тумани Файзиобод қишлоғидаги Болалар санаториясидаги иш жойига кетаётганини, 2022 йил 2 октябрь куни соат 08³⁰ ларда акаси Тожибоев Хокимжон набирасини уйлантираётганлиги сабабли, тўй бўлаётган Фарғона шаҳридаги “Фармуз” номли тўйхонага оила-аъзолари билан кетаётганида, унга синглиси Хурсанойнинг турмуш ўртоғи, яъни поччаси Расулжон кўнғирок қилиб, тўйга боришлигини сўраганини, у оилавий тўйга кетаётганлигини маълум қилганини, у синглиси Шохидахоннинг турмуш ўртоғи Одилжон билан Саткак айланма йўлида туришганлигини маълум қилганини, улар билан Саткак айланма чорраҳасида кўришиб, улар билан бирга поччаси Расулжоннинг “Matiz” русумли автомашинасида тўйхонага қараб йўлга чиққанини, тўйхонага етиб борган вақтда Расулжоннинг кайфияти йўклигини, нимадандир диққат бўлиб турганини, унга нима сабабдан синглиси Хурсаной тўйга келмаганини сўраганини, у синглиси Хурсанойнинг қон босими ошиб кетганини, мазаси бўлмаганлиги учун тўйга келолмаганини тушунтирганини, биров тўйхонада тургандан сўнг соат 10⁰⁰ ларда поччаси Расулжон кайфияти йўклигини, сиқилиб қолганлигини, бир кун аввал турмуш ўртоғи Хурсаной ва келини Гулмирахонлар айтишиб қолишганлигини маълум қилиб, тўйхонадан яшаш хонадонига кетганини, 2022 йил 3 октябрь куни Қўштепа тумани Хумдон м.ф.й.даги боғидан хурмо меваларини узиб юрганида Алишер ва Мухторали исмли боғбонлар унга мурожаат қилишиб, ака тинчликми поччангиз



Расулжоннинг хонадонида кўп сонли ИИБ ходимлари турибди деб гапиришганини, улардан хавотир олиб, поччаси Расулжонларнинг уйларига борганини, ҳақиқатдан ҳам, ушбу жойда бир нечта ИИБ ходимлари туришганлигини кўриб, улардан нима ҳолат юз берганлигини сўраганини, улардан келин Гулмирахон 2022 йил 1 октябрь куни яшаш хонадонидан чиқиб кетиб, бедарак йўқолганлигини эшитиб билганини, кейинчалик шу куни ИИБ ходимлари ва маҳалладаги шахслардан Гулмирахонни қайнотаси, яъни поччаси Расулжон қасддан ўлдирганлигини, кейин унинг тана аъзолари Олтиариқ ва Фарғона тумани ҳудудларидан топилганлигини эшитганини, Г.Косимовани поччаси Р.Имомов нима сабабдан қасддан ўлдирганлигидан хабардор эмаслиги ҳақида кўрсатма берди.

Гувоҳ А.Исмоилов судда, ҳақиқатдан ҳам Олтиариқ тумани прокуратураси терговчиси М.Азимовнинг 2022 йил 3 октябрдаги суд-тиббий экспертизаси тайинлаш ҳақидаги қарорига асосан шахси номаълум аёл жинсига мансуб шахсининг, кейинчалик аниқ бўлишича Косимова Гулмирахон Неъматжон қизининг бош қисми ва тана аъзоларини қарорда кўрсатилган саволликлар бўйича лаборантлар Х.Якубжонова, С.Хайдарова, санитар А.Акбаровларнинг иштирокида суд-тиббий текширувидан ўтказганини, қарорда кўрсатилган саволликлар бўйича топилган инсонга тегишли бўлган бош қисмини жинсини аниқлаш, бош қисми танадан қандай жисм таъсирида ажратиб олингани, бош қисми танадан ажратиб олинган вақти, механизми ва оғирлик даражасини аниқлаш, бош қисмини ўлим сабаби ва вақтини аниқлаш, бош қисмини қон гуруҳини аниқлаш, бош қисмидан кейинги текширувлар учун намуналар олиш, топилган тана аъзолари анатомик жиҳатдан инсонга тегишлими, тана аъзолари инсонга тегишли бўлса, эркакми ёки аёл жинсига мансублигини аниқлаш, тана аъзоларида тан жароҳатлари борми, бўлса ўткир ёки ўтмас жисмдан етказилганлиги, тана аъзоларини ўлим сабаби, механизми ва муддатини аниқлаш, тана аъзолари жинсий аъзосида сперматозоидлар мавжудлиги, агар мавжуд бўлса, уни гуруҳ мансублигини аниқлаш, кейинги текширувлар учун намуналар олиш ва бошқа саволликларга эксперт хулосаси орқали жавоб берилиши сўралганини, мазкур қарорга илова қилиниб, дастлаб шахси номаълум бўлиб турган Г.Косимованинг танасидан тўлиқ ажратилган бош қисми, кейин эса танасининг бошқа қисми ҳамда ҳодиса жойидан олинган бир дона трусик ва бир дона ласинаси юборилганини, экспертиза текшируви 2022 йил 3 октябрда бошланиб, 2022 йил 3 ноябрда тамомланиб, тергов органига 2022 йил 9 ноябрдаги 487-сонли эксперт хулосаси тақдим этилганини, ўтказилган эксперт текшируви якуни бўйича расмийлаштирилган эксперт хулосасига кўра, марҳум Г.Косимоваанинг мурдасидан боши – бўйин юқори қисмидан, тананинг кўкрак пастки қисмидан барча анатомик тузилмаларидан тўлиқ ажратилган бўлиб, жароҳат(лар) ўткир-кесувчи ва чопувчи жисмлар таъсирида етказилганлиги аниқланганини, мазкур тўхтаб бўлакланган қисмларда морфологик ўзгаришлар, тиббий криминалистик (бўйин 3-умуртқанинг қовурға олдинги ўсимтасида, кўкрак 9-умуртқасининг кўндаланг ўсимтаси ва танасидаги ўзгаришлар) ва гистологик текширув (ички аъзоларда камқонлик) натижалари билан тасдиқланганини, Г.Косимованинг бош қисмида – пешона ўнг дўнг соҳасидаги юмшоқ тўқималар остига қон қуйилиши, чап кўз қовоқларида қонталаш, конъюнктиваси остига қон



қуйилиши аниқланиб, бу тан жароҳатлари унинг ўлими юз беришидан олдин етказилгани аниқланганини, юқоридагилардан келиб чиқиб, Г.Косимованинг ўлими – кўп миқдорда қон йўқотиши оқибатида, яъни (гистологик текширувда бош мия ва мияча моддаси қон томирларида нотекис веноз тўлақонлик, капиллярларда стазни инобатга олиб, ўлими юз беришидан олдин бўйин қисмидаги) ўлими юз беришидан олдин, йирик ҳамда уларга ёндош бўлган қон томирларни жароҳатланиши натижасида юзага келган бўлиши мумкинлиги ва ҳаёт учун хавфли бўлган оғир шикастлар тоифасига киришлиги аниқланганини, бу тўғрисида 487-сонли эксперт хулосасида кўрсатилганини, экспертиза текшируви давомида Г.Косимовани калоласи оғиз бўшлиғидан ва ушбу шахсни мурдасини ажратилган танаси қисмланган бўлган қин бўшлиғидан, бачадон ҳамда орқа чиқарув тешигидан дока парчасига олинган суртмаларда сперматазоидлар топилмаган ва маний аниқланмаганини, мазкур эксперт хулосасини мустақил равишда илмий асосланган ҳолда амалдаги қонун ва қоидалар, ички норматив йўриқномаларга асосланиб берганини, мазкур эксперт хулосасини беришида бирон-бир шахснинг аралашуви, илтимоси ёки кўрсатмаларини бажармагани ҳамда унга бу каби илтимос, буйруқ ёки кўрсатмалар бўлмаганини, бундан ташқари, уни ҳеч ким моддий ёки бошқа кўринишда манфаатдор этмагани ҳақида кўрсатма берди.

Гувоҳ Д.Ахмедов судда, ҳақиқатдан ҳам, у 2022 йил 31 август куни Марғилон шаҳридаги айланма йўл ҳаракатланиш жойига яқин ерда жойлашган фирмага ишга кирганини, у ерга ҳар куни ўзига тегишли бўлган велосипедда қатнаб ишга бориб келишини, мазкур фирма мева ва гиёҳларни куришиб қадоқлаш фаолияти билан шуғулланишини, мазкур иш жойига ҳар куни соат 08⁰⁰ ларда йўлга чиқиб, Қўқон-Фарғона йўлининг Олтиариқ тумани Файзиобод м.ф.й. ҳудудидан ўтган катта автомобиль йўлининг ёқасидан қатнаб келишини, 2022 йил 3 октябрь куни соат 07⁵⁰ ларда яшаш хонадонидан чиқиб, иш жойига қараб йўлга чиққанини, Файзиобод м.ф.й. ҳудудидаги пропан газ қўйиш шаҳобчасидан ўтиб, Марғилон шаҳри томон йўл четидан ҳаракатланиб кетаётган вақтда йўлдан тахминан 6-7 метр ичкарироқда дала ер майдони ичида дайди ит ниманидир ғажиб ётганлигини кўрганини, товукни еб ётибди деб ўйлаб, велосипедини орқага қайтариб, итни нимани ғажиб ётганлигига қизиққанини, шунда мазкур ит у томон ҳаракатланиб келаётганлигини кўриб, ғажийётган нарсасини тишлаб кўтариб, тахминан 2 метрча юрганидан сўнг, тишлаб олган нарсасини ариқчани ичига тушириб юборганини, шу вақтда ит ғажиб олган нарса унга одамга тегишли бўлган бошга ўхшаб кетганини, дарҳол ўзи яшаб келадиган ҳудуд профилактика инспектори Дилёрбекнинг телефонига қўнғироқ қилиб, бироз аввал кўрган ҳолати бўйича маълумот берганини, шунда профилактика инспектори Дилёрбек унга ўша ерда туриб туришлигини тушунтириб, йўлга чиққанлигини тушунтирганини, орадан бироз вақт ўтиб, Дилёрбек у турган жойга етиб келганини, иккаласи бироз аввал ит ғажиб ётган одамни бошига ўхшаш нарса турган жойга боришганини, у жойга етиб борган вақтларида, ҳақиқатдан ҳам, ушбу бош аёл кишига тегишли бўлган одам боши эканлигини кўриб билганини, Дилёрбек зудлик билан Олтиариқ тумани ИИБ навбатчилик қисмига ҳолат юзасидан ахборот берганини, орадан бироз вақт ўтиб, ушбу жойга прокуратура ва ИИБ ходимлари етиб келишиб, тегишли ҳужжатлар расмийлаштиришиб, ундан ҳолат юзасидан тушунтириш хати



олишганини, кейинчалик у томонидан топилган аёл кишини боши Косимова Гулмирахон исмли аёлга тегишли эканлигини билганини, уни қайнотаси Расулжон исмли шахс оилавий келишмовчилик сабабли, қасддан ўлдирганини эшитиб билганини, бу ҳолат қандай ва нима сабабдан юз берганини билмаслигини, юқорида номлари айтилган шахсларни танимаслиги ҳақида кўрсатма берди.

Гувоҳ Д.Абдураимов судда, Қўштепа туманидаги Хумдон м.ф.й. ҳудуди 2021 йил октябрь ойидан буён хизмат ҳудуди сифатида бириктириб берилганини, ҳақиқатдан ҳам 2022 йил 2 октябрь куни соат 12⁰⁰ ларда унга ўзини Олтиариқ тумани Файзиобод қишлоғида яшовчи Косимова Гулсанам деб таништирган бир аёл кўнғироқ қилиб, унда 1988 йилда туғилган синглиси Қўштепа тумани, Хумдон м.ф.й., Бахт кўчаси, 8/1-уйдан яшовчи Косимова Гулмирахон Неъматжон қизи 2022 йил 1 октябрь куни яшаш хонадонидан номаълум томонга чиқиб кетиб, бедарак йўқолганлиги ҳақида мурожаат қилиб, уни қидириб топишда амалий ёрдам сўраганини, Косимова Гулсанамхоннинг мурожаатига асосан унинг синглиси Гулмирахон яшаб келган Қўштепа тумани Хумдон м.ф.й. Бахт кўчаси 8/1-уй кириб, ушбу хонадонда яшовчи унинг қайнотаси Расулжон ака, қайнонаси Хурсаной опа ва турмуш ўртоғи Хусниддинлар билан суҳбатлашиб, Гулмирахоннинг қачон ва нима сабабдан яшаш хонадонидан чиқиб кетганлиги ҳақида сўраганини, Расулжон ака ўзининг тушунтириши бўйича ҳақиқатдан ҳам, 2022 йил 1 октябрь куни келини Гулмирахон у билан овқат тайёрлаш хусусида оғзаки равишда жанжаллашиб қолганлигини, ушбу ҳолат бўйича аччиқ қилиб, яшаш хонадонидан чиқиб кетганлигини ва шу кунга қадар қайтиб келмаганлигини билдирганини, Гулмирахоннинг қайнонаси Хурсаной опа ва турмуш ўртоғи Хусниддинлар ҳам Расулжон акага ўхшаш кўрсатма беришганидан сўнг, уларга яқин қариндошлари билан боғланиб, улардан ҳам Гулмирахонни топиш бўйича суриштиришларини тайинлаб, уларнинг яшаш хонадонидан чиқиб кетиб, Гулмирахонни қидириш ва дарагини аниқлаш мақсадида уларнинг яқин қариндошлари ва кўшнилари билан телефон орқали гаплашиб, уни топишга ҳаракат қилганини, шу куни кечга қадар Гулмирахонни қидириб топишнинг имкони бўлмаганини, шу куни унинг опаси Гулсанамхон опа унга яна кўнғироқ қилиб, синглисини суриштирганини, унга Г.Косимованинг бедарак йўқолганлиги бўйича Қўштепа тумани прокуратурасига мурожаат қилиш лозимлигини тушунтириб, ариза билан мурожаат қилишлигини тайинлаганини, 2022 йил 3 октябрь куни туман прокуратураси ва туман ИИБ тезкор ходимларидан иборат тезкор-тергов гуруҳи аъзолари томонидан Г.Косимова яшаб келган хонадон процессуал тартибда кўздан кечирилиб, улар томонидан ушбу хонадонга қўшни бўлиб яшаб келувчи шахслар ва бедарак йўқолганнинг қариндошларидан тушунтиришлар олиниб, тўпланган ҳужжатларга қўшилганини, кейинчалик шу куни бедарак йўқолган Г.Косимованинг танасини бош қисми Олтиариқ тумани Файзиобод қишлоғи ҳудудидаги “Тождали обод” боғдорчилик фермер хўжалигига қарашли ер майдонидан, танасининг бошқа аъзолари эса Фарғона тумани Оқбиллол қишлоғи ҳудудидаги ахлатхона атрофидан топилганини, ўтказилган тезкор суриштирув ҳаракатлари давомида 2022 йил 1 октябрь куни Р.Имомов фарзанди Х.Имомовнинг турмуш ўртоғи, яъни келини Г.Косимова билан шу куни яшаш хонадонидан овқат тайёрлаш



хусусидаги масала юзасидан жанжаллашиб, жанжал давомида келини Г.Косимовани кўллари билан уриб, уни ҳушсизлантирганидан сўнг, Фарғона тумани Оқбиллол қишлоғи ҳудудидаги мевали боғ ҳудудидга ўзига тегишли бўлган “Matiz” русумли автомашинасида олиб бориб, ҳушсиз ҳолатда бўлган Г.Косимовани бошини ёнида бўлган пичоқ билан бўйин соҳасидан кесиб, ажратиб, уни қасддан ўлдирганлигини, кейин уни танасини шу атрофдаги ахлатхонага ташлаб, бош соҳасини эса Олтиариқ тумани Файзиобод қишлоғи ҳудудидаги “Тождали обод” боғдорчилик фермер хўжалигининг ер майдонидаги арча дарахтига қора рангли целофан пакет ичига солган ҳолда илиб кетгани аниқланганини, Г.Косимовани Р.Имомов билан муқаддам ўзаро жанжаллашганини ёки уни ўлдиришга ҳаракат қилганлиги ҳамда бошқача кўринишда тан жароҳати етказганлигини эшитмаганини, агарда шу каби ҳолатлар юз берганлигини билганида ҳамда шу мавзуда мурожаат қилинганда тегишли тартибда чора-тадбирларни кўрган бўлшини, ҳозирда ўзига бириктирилган ҳудудда жиноятларни олдини олиш мақсадида фуқаролар гавжум бўлган жойларда, кўп қаватли уйларда, мактаб ва фуқаролар йиғини ҳудудида профилактик суҳбатлар, йиғилишлар ҳамда учрашувлар ўтказишини, оилавий келишмовчилик ҳамда ишқий мазмундаги низолар келтириб чиқарган бир нечта шахсларга нисбатан маъмурий тартибда чора кўрганини, худди шу мавзуларни мисол тариқасида кўрсатиб, бошқа шахслардан шу каби ҳолатларга тушиб қолишдан тийилишларига тарғибот қилишини, келгусида бу каби фаолиятини кучайтириб, маҳалла фаоллари, оксоқоллар, м.ф.й. масъул ходимлари билан биргаликда тарғибот тадбирларини жадаллаштириши ҳақида кўрсатма берди.

Бундан ташқари, судланувчининг суд ҳукмида кўрсатилган жиноятни содир қилганлиги ҳодиса жойини кўздан кечириш ҳақидаги баённома ва фотосуратлар (и.в. 7-20), тушунтириш хатлари (и.в. 26-33, 54-60, 103-108, 230), ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш баённомалари ва фотоилловалар (и.в. 34-53), гумон қилинувчини кўрсатувларини ҳодиса жойида текшириш тўғрисида баённома ва фотоилова (и.в. 62-83), ҳодиса жойини кўздан кечириш тўғрисидаги баённомалар (и.в. 84-91), суд тиббий экспертиза хулосаси (и.в. 98-101), ашёвий далилларни кўздан кечириш ҳақидаги баённома ва фотоилова (и.в. 169-175), суд-биология экспертизаси хулосаси ва фотоилова (и.в. 183-203), суд тиббий криминалистик экспертизаси хулосалари ва фотоилова (и.в. 248-254), ашёвий ва ёзма далил деб эътироф этиш ҳамда уларни ишга қўшиб қўйиш тўғрисидаги қарор (и.в. 314) ҳамда ишда тўпланган бошқа далиллар билан тасдиқланади.

Суд ҳайъати, дастлабки тергов органи томонидан судланувчи Р.Имомовнинг жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатда, яъни айбдорга аён бўлган бўлган ожиз аҳволдаги шахсни қасддан ўлдиришда ифодаланган жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 97-моддаси 2-қисми “в” банди ва мурдани таҳқирлашда ифодаланган жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 134-моддаси 1-қисми билан тўғри квалификация қилинган ҳолда, қуйидагиларга кўра Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 97-моддаси 2-қисми “ж” банди билан нотўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.



Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2004 йил 24 сентябрь кунги 13-сонли “Қасддан одам ўлдиришга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги қарорининг 12-бандида “Қасддан одам ўлдириш жиноятини ЖК 97-моддаси иккинчи қисмининг “ж” банди билан квалификация қилишда айбдорнинг қасди ўта шафқатсизлик билан одам ўлдиришга қаратилган бўлганлигини аниқлаш шарт. Бу ўринда шуни назарда тутиш керакки, қонун ўта шафқатсизлик тушунчасини одам ўлдириш усули билангина эмас, балки, айбдор томонидан ўта шафқатсизлик намоён этилганлигидан далолат берувчи бошқа ҳолатлар билан ҳам боғлайди. Ўта шафқатсизлик билан одам ўлдириш усуллари, жумладан, ҳаётдан маҳрум этишдан олдин ёки қотиллик содир этиш жараёнида жабрланувчини қийноққа солиш ёки унга қаттиқ азоб етказиш билан боғлиқ (кучли оғриқ берувчи заҳардан фойдаланиш, тириклайин ёкиб юбориш, узоқ муддат овқат, сув бермаслик) ҳолларни ҳам киритиш мумкин. Баданга кўплаб шикаст етказиш орқали одам ўлдириш, фақат айбдор буни жабрланувчига қаттиқ азоб - уқубат етказишга қаратилган тўғри қасд билан содир этган бўлса, ўта шафқатсизлик кўриниши, деб баҳоланиши мумкин. Жабрланувчининг яқин кишилари кўз ўнгида одам ўлдириш, агар айбдор ўз ҳаракатлари билан уларга кучли изтироб бераётганлигини англаган бўлса, айбдор томонидан ўта шафқатсизлик намоён этилганлигидан далолат берувчи ҳолат сифатида баҳоланмоғи лозим. Жабрланувчининг яқин кишилари қаторига, унинг яқин қариндошларидан ташқари, жабрланувчи билан алоҳида шахсий дўстона муносабатда бўлган шахслар ҳам кириши мумкин. Мурдани таҳқирлаш, йўқ қилиш ёки бўлаклаб ташлаш қотилликнинг ўта шафқатсизлик билан содир этилганлигини англатувчи ҳолат сифатида баҳоланиши мумкин эмас. Бундай ҳаракатлар Жиноят кодексининг мурдани таҳқирлаш учун жавобгарликни назарда тутувчи 134-моддаси билан қўшимча квалификация қилиниши лозимлиги” кўрсатилган.

Юқоридаги Пленум қарори талабидан келиб чиққан ҳолда суд ҳайъати, судланувчи Р.Имомовнинг айбловидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 97-моддаси 2-қисми “ж” бандини чиқаришни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февраль кунги 1-сонли “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги қарорининг 3-бандида “Жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши керак” деб таъкидланган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 50-моддаси 3-қисмида “Узоқ муддатли озодликдан маҳрум қилиш йигирма йилдан ортиқ, лекин йигирма беш йилдан кўп бўлмаган муддатга белгиланади ва фақат жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш (97-модданинг иккинчи қисми) ва терроризм (155-модданинг учинчи қисми) учун тайинланиши мумкин”, 4-қисмида “Узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси аёлга, ўн саккиз ёшга тўлмасдан жиноят содир этган шахсга ва олтмиш ёшдан ошган эркакка нисбатан тайинланши мумкин эмас”, 6-қисмида “Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинаётган аёлларга ҳамда олтмиш ёшдан ошган эркакларга нисбатан тайинланаётган жазо муддати ушбу Кодекс Махсус қисмининг



тегишли моддасида назарда тутилган озодликдан маҳрум этиш энг кўп муддатининг учдан икки қисмидан ортиқ бўлиши мумкин эмас” деб кўрсатилган.

Суд ҳайъати, юқоридаги Қонун ва Пленум қарори талабларидан келиб чиққан ҳолда, судланувчи Р.Имомовга нисбатан жазо тайинлашда, унинг ёшини, яшаш жойидан ижобий тавсифланганлигини жазони енгиллаштирувчи ҳолат деб, жиноятни ғараз ва паст ниятларда, ожиз аҳволдаги шахсга нисбатан содир қилганлигини жазони оғирлаштирувчи ҳолат деб топиб, жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини, айбдорнинг шахсини инobatга олган ҳолда унга нисбатан ЖКнинг 97-моддаси 2-қисми “в” банди билан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, модда санкциясида назарда тутилган озодликдан маҳрум қилиш жазосининг энг кам қисмидан ҳам камроқ озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлашни, ЖКнинг 134-моддаси 1-қисми билан озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлашни, ЖКнинг 59-моддаси 3-қисмига асосан тайинланган жазоларни қисман қўшиш йўли билан узил-кесил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлашни, жазони умумий тартибли колонияларда ўташни белгилашни, жазо муддатини 2022 йил 3 октябрдан бошлаб ҳисоблашни, судланувчига нисбатан қўлланилган қамоқ эҳтиёт чорасини ҳукм қонуний кучга киргунга қадар ўзгаришсиз қолдиришни;

Шунингдек суд ҳайъати, иш бўйича ашёвий далил деб эътироф этилган ва жиноят ишига илова қилинган Фарғона тумани Оқбиллол қишлоғи ҳудудидаги ўрик боғидан қонга ўхшаш доғлардан намуналарни, бир дона хўжалик пичоғини, унинг ёнидаги целофан пакетни, шу ердаги чиқинди ташлаш жойидан олинган бир дона бўз матосини, уч дона чинни ва бир дона бетон бўлагини, қонга ўхшаш доғлардан олинган намуналарни ҳамда “Кўкон-Фарғона” йўлининг Олтиариқ тумани Файзиобод қишлоғидаги “Тожали обод” фермер хўжалиги ҳудудидан ўтган қисмини йўл четидаги арча дарахти тагидан олинган бир дона целофан пакетни, Р.Имомовга тегишли бир дона кўйлакни, бир дона спорт шимини, бир жуфт тапочкани, “Matiz” русумли давлат рақами 40Q337PA бўлган автомашинадан олинган қонга ўхшаш доғлардан олинган намуналарни, Г.Қосимованинг мурдасидан олинган бир дона ласинани ва бир дона трусигини ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг йўқ қилишни;

Шунингдек, иш бўйича ашёвий далил деб эътироф этилган ва жиноят ишига илова қилинган ҳодиса жойини кўздан кечириш баённомаларини ва фотожадвалларини, олинган нарсаларни кўздан кечириш баённомаларини, айбланувчини кўрсатмаларини ҳодиса жойида текшириш баённомасини ва фотожадвалларини, тергов ҳаракатлари тасвирга олинган дискларни, жиноят иши бўйича тайинланган экспертизаларнинг хулосаларини жиноят иши ҳужжатлари билан бирга сақлашни лозим топди.

Юқоридагиларга кўра, суд ҳайъати Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 460, 462-463, 465-468, 471-473-моддаларини қўллаб,

Ҳ У К М Қ И Л Д И :

Имомов Расулжон Арипович (Imomov Rasuljon Arifovich) Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 97-моддаси 2-қисми “в” банди ва 134-моддаси 1-қисми билан айбдор деб топилсин.



Имомов Расулжон Арипович Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 97-моддаси 2-қисми “в” банди билан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, 13 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинсин.

Имомов Расулжон Арипович Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 134-моддаси 1-қисми билан 3 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 59-моддаси 3-қисмига асосан тайинланган жазолар қисман қўшилиб, узил-кесил ўташлик учун 13 йил 2 ой муддатга озодликдан маҳрум қилинсин.

Жазони умумий тартибли колонияларда ўташ белгилансин.

Жазо муддати 2022 йил 3 октябрдан бошлаб ҳисоблансин.

Р.Имомовга нисбатан қўлланилган қамоқ эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргунга қадар ўзгаришсиз қолдирилсин.

Иш бўйича ашёвий далил деб эътироф этилган ва жинойт ишига илова қилинган Фарғона тумани Оқбиллол қишлоғи ҳудудидаги ўрик боғидан қонга ўхшаш доғлардан намуналар, бир дона хўжалик пичоғи, унинг ёнидаги целофан пакет, шу ердаги чиқинди ташлаш жойидан олинган бир дона бўз матоси, уч дона чинни ва бир дона бетон бўлаги, қонга ўхшаш доғлардан олинган намуналар ҳамда “Қўқон-Фарғона” йўлининг Олтиариқ тумани Файзиобод қишлоғидаги “Тожали обод” фермер хўжалиги ҳудудидан ўтган қисмини йўл четидаги арча дарахти тагидан олинган бир дона целофан пакет, Р.Имомовга тегишли бир дона кўйлак, бир дона спорт шими, бир жуфт тапочка, “Matiz” русумли давлат рақами 40Q337PA бўлган автомашинадан олинган қонга ўхшаш доғлардан олинган намуналар, Г.Қосимованинг мурдасидан олинган бир дона ласина ва бир дона трусиги ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг йўқ қилинсин.

Иш бўйича ашёвий далил деб эътироф этилган ва жинойт ишига илова қилинган ҳодиса жойини кўздан кечириш баённомалари ва фотожадваллари, олинган нарсаларни кўздан кечириш баённомалари, айбланувчини кўрсатмаларини ҳодиса жойида текшириш баённомаси ва фотожадваллари, тергов ҳаракатлари тасвирга олинган дисклар, жинойт иши бўйича тайинланган экспертизаларнинг хулосалари жинойт иши ҳужжатлари билан бирга сақлансин.

Ушбу ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан, маҳкум ва жабрланувчининг қонуний вакили ҳукм нусхаси топширилган кундан эътиборан шу суд орқали Фарғона вилоят судига йигирма сутка ичида апелляция тартибида шикоят қилишга, прокурор протест билдиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи

(имзо)

А.Эргашев

Халқ маслаҳатчилари

(имзо)

М.Ахмадбеков

(имзо)

Р.Мирзаев

нусхаси аслига тўғри,
Жинойт ишлари бўйича
Қўштепа туман судининг раиси

А.Эргашев

